

ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ

КУП ТОМЛИК



Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
1986

Айтувчи: *Усмон Маматқул ўғли.*

Езиб олуви: *Собиржон Иброҳимов.*

Нашрга тайёрловчи: *Тиловқул Ашуров.*



Гўрўғли Чамбилда бек бўлиб, Чамбилнинг эгаси бўлди, ўн икки хотин олди, бола кўрмади. Охир вақт бола қадри ўтиб, ҳар бир шаҳардан ўғил олиб келиб боқиб, қирқта ўғил боқиб олди. Буларни йигит қилиб, ясов қилиб олиб юрарди. Шунда Чамбилнинг овини овлаб, Чамбилнинг эгаси бўлиб юрганда Чамбилнинг депарасида Туркман деган бир юрт бор эди. У туркман элат молдор халқ эди. Уларда иморат — бино йўқ эди, ҳаммаси ўтов тикиб ўтиришар эди. Бул туркман Гўрўғлининг ишонган хос юрти эди. Гўрўғлининг вақтида туркман кўп халқ эди, қирқ минг уйлик эди. Қирқ минг уйлик туркман элат ичида бир номдор бой бор эди. У бойнинг отини Оқчишбой дер эди. У қирқ минг уйлик туркманнинг рўғай бойи эди. Бойнинг матойи, пули, молу амволи кўп эди, ҳар бир хотиндан ортқизган қирқ ўғил бор эди. Қирқ ўғлининг орасида бир ёлғиз қиз бор эди. Ул қизи ҳусн бобида якка-ягона эди. Уни таъриф қилмоққа тил ожиз келар эди. Ҳусн, идрок, ақл бобида доно эди. Қиз бағоят полвон эди. Лекин ул қирқ минг элат ичида бу қизга қуввати барабар келадиган эр йигит йўқ эди. Курашмакликка, от чопишмакликка омил эди. Бой қизини қирқ ўғлидан айто кўрарди. Ҳар бир сўзи бўлса, бой ўғилларига айтмай, қизига маслаҳат солар эди. У бой қизига эътиқод қилиб: «Менинг давлатим хонларнинг давлатидан кам эмас» деб, қизига яхши жойлар, арки — равоқ қилиб, чиройли қизлардан қирқ канизак қилиб берди. У қиз ота давлатида подшоларнинг қизидан бўлиб ўтирди.

Бой қизининг олдига ҳафтада бир келиб кўриб кетиб турар эди. Ҳар жума куни жума намоздан келишда: «отам жумадан қайтарда келади» деб, яхши таомлар қилиб, бойнинг қизи отасининг йўлига мунтазир турар эди. Ногоҳ бир куни жумадан келишда ул қизининг олдига кирди.

Қизи отасининг олдига яхши таомлар қилиб қўйди. Бой таомни еб олиб, фотиҳа қилиб, ўрнидан турай деб эди, қизининг юзига бир қараб қўйиб, тураверди. Қизи айтди:

— «Ота, ўтиринг!»— Бой қайтиб ўтирди.

Қизи айтди:

— Ота! Дилингишга бир сўз келди, мендан пинҳон тутиб, айтмай туриб кетаяпсиз! Бой айтди:

— Эй қизим! Дилимда бир мақсадим бор эди, сенга айтмоқчи эдим, вақтим бўлмади, ўз вақтида айтарман деб, айтмай туриб кетаётганидим. Энди сўрадинг, айтайин. Менинг дилимда орзуим шул эдики, қариб-қартайиб, куч-қувватим кетди. Сени қирқ оғаларингдан идрокингни ортиқча фаҳмларман қиз ҳам бўлсанг. Маслаҳат шулдирки, бир кам қирқ инингни суннатга ётқизиб, бошимдан соқит қилдим. Энди кўзимнинг тиригида энг кичик Юсуфжон укангни ҳам хатна қилдириб қўйсам дейман. У ҳолда қиз айтди:

— Яхши ўйлабсиз, кўзингизнинг тиригида кўрганингиш фанимат. Тузукроқ тўй қилиб берасизми?— деди. Бой айтди:— Қўлимиздан келганча қиламиз,— деди. Қиз айди:— Аввал ота, менга маслаҳат солманг. Агар мен бир сўз айтсам, кўнглингишга бад олманг. Уч-тўрт йилдан бери юрт ичинда тўй қилган кишилар, сизни тўйга айтган кишилар менинг ўзимни бошқалаб тўйга айтяпти. Бунда мен қирқ канизагим билан тўйга бораман. Ўзим кичик бўлсам ҳам, катталардан юқори ердан жой берадилар. Эл ичида мени танимайдиган кишилар ҳам бўлар экан. Тўйга борган жойимда «кимнинг қизи, кимнинг қизи?» деб сўраб қолишади, буни эшитиб қоламан. Билгичилар Оқчишвойнинг қизи деб жавоб беради. Бунда сўроғичилар:— Ҳе, ўша хумса бойнинг қизими?— дейди. Буни қулогим эшитиб туради. Бунда халқ орасида ғивир-шивир қилишиб, одамлар сўзлашар эмишки: «шул бойнинг ўғиллари тўй қилинганми, йўқми? Бунда кўни-қўшниларишдан сўрашсалар ҳам билмаймиз»— дер эмиш. Одамлар мазмун қилармишки: «Бойни ўғилларининг каттаконлари отаси билан баробар, қариди, ҳеч юртга тўй қилиб берганини

биров билмайди. Эҳтимол, шул бойнинг ўғиллари тўйсиз қолган бўлса...». Эндиликда битта ўғлингиз қолипти. Шунга юрт олдида дастурхон солиб, белгилаб, яхшилаб тўй қилинг, яна фарзанд кўрармидингиз!»— деб, шул гапни айтди отасига.

Қизининг бу деган сўзи бойга бир ажаб таъсир қилди. Қизининг ҳақиқага дуо қилиб, бой ўрнидан туриб чиқиб кетди. Дарҳол ўз ўтовига борди. Юрт катталарини чақирди, туркманнинг ақобирлари йиғилиб келди. Бой айтди:— Эй юрт катталари! Бугундан юртга тўй деб хабар қилинг. Оқчишбой туя-биялар сўйиб, мол-жондорлар сўйиб, ўн беш кун юртга сероблик билан ош, гўшт тортиб, тўй қилиб берди. То ўлиб кетганидан— эна қорнидагисигача йўқлаб насиба бергизди. Бунда бой айтди:— Эй халойиқлар! Ун беш кундан бери тўй қилиб бердим. Айтсин, кимга насиба етмай қолган бўлса, ўзгандан бергизай,— деди. Бунда халойиқдан ғуллуғавфо чиқдики, «рахмат, бой бува! Сизнингдек сахий бой ҳеч ўтмагандир, бизнингдек хизмат қилган камбағаллар қорнимиздан ортқизиб, олдимиз бир йиллик, орқамиз уч ойлик овқатимизни ҳам уйга ташиб олдик»— деб, халойиқдан миннатдорчилик овозини эшитди.

Бой туриб айтди:

— Эй туркман халқим, эндиликда юртимнинг хурсандчилиги учун қирқ кун юртга томоша қилиб бераман. Эшитмадим деманглар, бойман, камбағалман дема, ватаним бор, ватаним йўқ дема!— Токи, туркман элда тирик жон бўлсанг, йироқ-яқинда ёр-биродар, кўз таниш, қавму қариндошларинг бўлса, ҳар қайсиларинг ўз мақсадларингдан чиқариб, мени номимдан хат қилиб, тўйга айта беринглар. Кимки келса, тўй ўтгунча дийдам устига— бел боғлаб хизматда бўлинглар. Тўй ўтгунча қўлларинг тутганча олиб енглар. Менга насиба тегди-тегмади деб, кўнгилхорлик қилманглар, бугундан бошлаб томоша чиқарамиз,— деди.

Бунда юрт катталари бир жойга жам бўлди. Бойни чақириб айтди:— «Тўй соҳиби сизсиз, айткичи одаминини сиз айтиб беринг, хат қилиб жўнатайлик. Ундан кейин ишингиз бўлмай юра беринг. Ҳар ким ўзи билиб хат қилсин». Ул вақтда бой айтди: Мен тўйга кимни айтар эдим, Чамбил элида юрт эгаси Гўрўғли бизнинг теңамиздаги улуғимиздир. Шунини айтгаймиз. Ўзгасини ўзларинг билиб айтаверинглар,— деди.

Дарҳол қоғоз, давот, қалам келтирди. Муншилар хат

ёзмоққа ўлтирди. Бой айтиб бериб турди: «ибтидо ким келсин, Гўрўғлихон ўзлари келсин; тўқсон тўққиз туғдори келсин, саксон саккиз сардори келсин; етмиш икки жиғадори келсин; эллик икки нойиб, ҳоким, амалдори келсин, ўттиз икки дарвозада турган қозию муфти, муҳрдори келсин; муфтию мирзо, маҳрам вазир аъзамлари келсин; ясовдор, бекзода болалари келсин; ўрдада турган оқсоч, канизак ойимлари келсин; Чамбил элда тирик жондор қолмай бари келсин,— деб хатни ёзиб бўлди. Ул хатни бир кишининг қўлига берди. Улуғлар:— хонга идроқлик, сўзига етик кишидан юборингиз бу хатни,— деб ул хатни ушлаган киши: Бу туркманда ким маъқул йигит экан, шундан хатни бериб юборсам, деб турган эди. Бунда бу туркманда бир валадизинда, ўзбошимча бор эди. Ул ҳароми хатдан хабардор экан. Хат ушлаб турган кишининг қўлидан беҳиёл хатни илиб кетди. Бир янги келган меҳмоннинг қантарувда турган отини миниб кетди. «Тўйга мен бориб айтиб келаман» деб, отни чопиб кета берди.

Хат ушлаган киши айтди:— Э ҳаромизода қўйгил, сендан бошқа одам борсин!— деб, ҳарчанд чақирди, ул қулоқ солмай чопиб кета берди.

Хат ушлаган киши ночор бўшашиб, улуғлар олдига кирди. Айтдики: «Мен гофилда қолибман, ул ҳароми бола «ман бораман» деб, хатни қўлимдан олиб, бир меҳмоннинг отини миниб, кетди»— деб, жавоб берди. Улуғлар айтди:— Яхши бўлмабти. Ҳарна бўлса, хонга яхши киши бормоғи яхши эди. Бола ўзи бемаъни бола эди, чакки бўлибти, ҳай-ҳай майли, хатни яхшилаб қилганмиз. Хонга хат тегса, кифоя қилар,— деб, улар улоқ чиқариб, томошасини қила берди.

Энди у болани — хат олиб борғични йўл бормоқда қўйинг, эндиги сўзни Гўрўғлихон таърифидан эшитинг.

Гўрўғли қирқ йигити билан олти кун бўлган эди, Ҳавдакнинг кўлига овга чиққан эди. Илвосинларни мўл олиб, Гўрўғли Чамбил қаласига қараб кетиб бораётган эди, Чамбил қаласига бир чақирим йўл қолганда Гўрўғлининг тагидаги минган отга кинна кириб, ёталоқ бўлиб қолди. Гўрўғли отдан тушиб, қирқ йигитлари ҳам отдан тушди. Йигитлар пиёдаланиб, ёталоқ бўлган от билан Гўрўғлини ўртага олиб турди. Гўрўғли совутнинг туғмаларини чиқариб, этак-бошини шимариб, отимни ўзим кинналасам яхши бўлурмикан деб, отнинг тепасида туриб эди, ногоҳ кўзи биёбонга тушди. Қарадики, гард пайдо бўлди, чанги ғубор орасидан бир йигит от

қўйиб чиқиб келди. Гўрўғли бул ким экан?— деб қараб турди.

Ул йигит чанг орасидан от қўйиб етиб келди. Келиб, қирқ йигитнинг орасидан отли ёриб ўтди. Гўрўғлининг тепасига етди. Салом-жавоб йўқ. Отдан тушди. Гўрўғлини чиганоғи билан олти қадам суриб нарёққа олиб бориб қўйди.— «Эй шаҳриёр, нарироқ туринг»,— деб ўзи бурилиб, ёталоқ бўлган отнинг бошига келди. Этагини орқасига қайириб, енгини шимарди. Гўрўғли хурсанд бўлди. Ул йигит отни жағидан кўтариб, ёнида тиғи бир ярим қарич пичоғи бор эди, отни бўғизига солиб, отнинг бошини кесиб, буёққа олиб қўйди. Хонга қараб айдики:— «Бунинг жонини қийнамоқнинг маънисси нима, от топилмайдиган нарсами?»— деди. Гўрўғли ғазабланиб, олдида турган қирқ йигитларига қараб бир сўз деди:

Уттизимдан юртга бўлдим тождор,
Ғазабимга душман бўлмас баробар.
Бойлавонглар¹ бул зиндани йигитлар,
Қайдан келди пичоқли қўрс энағар?!

Гўё бўлмас паррандадан булбулча,
Ёмон одам яхши бўлмас ўлгунча.
Боғлаб уринглар ўрдага боргунча,
Қайдан келди, пичоқли қўрс, ғарвачча?

Олти кун овладим Ҳавдак қўлини,
Кенг Чамбил дер мендай хоннинг элини,
Бойлавонглар бул зиндани қўлини,
Дорга осиб, олай отим хунини.

Бу сўзни эшитиб, ул тўйга айтгани келган айтувчи бола Гўрўғлига қараб бир сўз деди:

Бошга солса, ким кўрмайди аламни,
Туркманда муншилар битди қаламни.
Ассаломалайкум, берди саломни,
Тўйга айтгани келдим, сиздай тўрамни!

Тунинда ўлтирар осмоннинг ойна,
Тўй бошлади Оқчиш туркманнинг бойи,

¹ Бойлаб олинглар.

Отга арзимаиди одам гуноҳи,
Тўйга боринг, Султон, элимнинг шоҳи!

Эшитинг, султоним, шулдир хабарим,
Тўқсон тўққиз туғдори ҳам сардоринг
Етмиш икки ясовдор, жиғадоринг.
Утгиз икки қозию муҳрдоринг,
Эллик икки ҳокиму амалдоринг, —
Муфти, мирзо, маҳраму вазирларинг,
Шаҳзодаю бегзодаю болларинг,
Ўрдадаги канизак ойимларинг,
Чамбил элда тирик жондор қолмасин,
Жамин бошлаб, Туркманга тўйга боринг!

Қулоқ солинг, хоним, баён қилайин,
Сизни, мени бино қилган худойим,
Хат опкелдим тўй айтгани туркманга,
Энди афв эткайсиз менинг гуноҳим.

Бу сўзни эшитиб, Гўрўғли ханда қилиб, кулиб юборди. Айди: — Э ҳаромзода! Ажалинг етмаган экан. Улдирар эдим, тўй сабабли гуноҳингдан кечдим. Агар сени ўлдирсам, туркман халқи сенинг гуноҳингни билмаслар. «Гўрўғли золим, айтувчига юборган кишимизни ўлдирипти» деб туркманга бадном бўлурман деб, Гўрўғли отланиб, ул айтувчи болани ҳам ўзи билан бирга олиб, Чамбилга қараб жўнади.

Чамбилга етиб келиб, ўрдага тушди. Болаларини чорлаб чақирди. Ҳасанхон, Авазхон, Чаққон, Соқижон саккиз ўғлини, сарафроз қилиб ясади. Буларга от тайёр қилди. Гўрўғли ўзи тўйга бормай, саккиз ўғлини айтувчига қўшиб, тўйга юбормак бўлиб, ўрда дарвозасининг ташқарисига чиқди. Болалари барчаси отланиб, отасига мунтазир қараб тўхтаб турди. Бунда Гўрўғлихон саккиз ўғлини отга миндириб, буларнинг турган қадди-қоматига хурсанд бўлиб, болаларини тўйга юбормак учун панду насиҳат қилиб, бир сўз деди:

Қулоқ сонглар мен айлаган нидога,
Белингда чоройна, бошингда жиға,
Минган отинг, кийган тўнинг муносиб,
Қоматингдан мендай отанг садага!

Эгнингда кийибсан олтиндан совут,
Тагингда арқирар арғумоқи от,

Мен айлайман, болам, сенга насиҳат,
Бу йўлларда, қўзим, бўлгин эҳтиёт!

Бой буванг тўй қилиб, берипти хатти,
Улуғим деб, хон отангни йўқлапти,
Боролмасман бугун, болам, бу тўйга
Ўзи учун отанг сизни жўнатти!

Тўйга бормоқ учун қилдинг ниятни,
Миндинг, қўзим болам, Аваз Фиротни,
Соғ-саломат борсангизлар бу тўйга
Белинг боғлаб, қулдай қинглар хизматни.

Отанг хондур, сизлар орқамда нойиб,
Фуқаролар қолмасин сизни койиб,
Тўйга боргандан сўнг болларим 20,5
Отдан тушмай турмангизлар гердайиб.

Хизматга тайёр бўл, қушдай чоғ бўлиб,
Қолмасин нечанинг кўкси доғ бўлиб,
Отдан тушмай турмангизлар, болларим,
Отам йўқ деб, бош-бошингга бег бўлиб!

Тўй ўтгандан сўнгра мен ҳам борарман,
Беш-олти кун элат элда турарман,
Тайпаларинг¹ фуқаромдан сўрарман.

Бир кишидан «дод» эшитсам, болларим!
Саккизингни бошинг дорда кўрарман!
Пандият айлади отанг сўзини,
Сафарда унутма ҳақнинг ўзини.

На деган сўзимни олгин қулоққа,
Сўзни англаб, ҳақла отанг тузини!

Хон қилди болларига насиҳатди,
Беклар отга дарҳол қамчинни тортди.

Отлар суриб борар йўлда арқираб,
Қаптар бўлган қарчиғайдай шарқираб,
Вақти эрта-метан эди жўнади.
Чошка вақти даштга чиқди тирқираб,

¹ Тоифа.

Узанги тепиниб, қамчи уради,
Бедов отлар чўлга қараб суради,
Бир-бирига қарамасдан қийқириб.
Қуён қувган овчидай бўп боради.
Тушда етди Уртабелнинг устига.
Аваз Фироти тагига қулади.

Дарҳол Ҳасанхон отни қайтариб етиб келди. Отдан тушиб Авазни тиклаб, қучоқлаб ўтирди. Ҳасанхон бошида, олти укаси қошида «нима бўлди» деб Аваздан ҳол сўраб турган экан:

Ҳасанхон дер менинг ўзимни,
Номард қўлга сарғайтмасин юзимни,
Нима бўлди, гап сўрадим бол Аваз,
Менга қараб, қўзим, очгин кўзингни?

Ҳар ҳайвон кезади сахрою чўлни,
Булбуллар очди чаманда гулни,
Қучоғимга олиб сўрдим ҳолингни,
Кўзинг очгин, Аваз, сенга на бўлди?

Мунгимадинг нега йиқилди отинг,
Танда бўлса бергин жавоб қувватинг,
Таъначилардан тегмасин иснодинг,
Кўзинг очгин, Аваз, сенга на бўлди?

Бу сўзни эшитиб Аваз Ҳасанхонга бир сўз деди:

Энди ҳолим айтай сенга эшитгин,
Суяб турган эмчакдошим Ҳасанхон.

Беақл боқмайди ўзин ҳолига,
Бугун миндим бўз Фиротнинг белига,
Шу бугун қирқ бир кун бўлди бек Ҳасан,
Шароб бердим қирқ йигитнинг қўлига,

Тани сиҳатлар кўнгил узмас кулгидан,
Бургут қувса олмай қайтмас тулқидан,

Майхонада қирқ кун кўзим юммасдан,
Мен қолибман мажлис ичра уйқудан.

Бол Авазхон дерлар менинг ўзимни,
Қони қочди беҳол бўлиб юзимни,

Қирқ кун бўлди ухламадим бек Ҳасан,
Маст айлаб уйқу олди кўзимни.

Бургут солган чўлда қувар тулкини.
Сизлар тўйга бориб қинглар кулкини,
Эсон-омон бориб кенглар бек Ҳасан,
Мен қилайин ушбу ерда уйқуни.

Алам қилган йиғлар ёшини чизиб,
Улган кетар жондан умидни узиб,
Энди мени бедор қилма Ҳасанхон,
Секин қўйгин ушбу ерда ётқизиб.

Мени деган сўзим олгин дилиннга,
Гайрат камарин боғла белиннга,
Майдон ичра улоқ чопсанг, Ҳасанхон,
Эҳтимоли улоқ етса қўлиннга,
Пойгасига қарамасдан туркманни,
Улоқни олиб қоча бергин йўлиннга.

От қуйруғин қўйиб ёлин ўрарман,
Сен келгунча шерда¹ ухлаб турарман,
Улоқ текса обқочиб кел шу жойга,
Бойни қўйган пойгасин мен берарман.

Авазнинг бул сўзини эшитиб, Ҳасанхон Авазни ул жойга ётқизиб қўйди. Бир отни ўтарга² ташлади. Фиротни миниб, укаларини бошлаб Ҳасанхон айтувчи билан саккиз киши бўлиб Туркман қараб жўнади. Бунда Туркманнинг томошасининг чиққанига уч кун бўлган эди. Вақти пешинда булар Болқон адиридан ошиб борар эди — ногоҳ томошанинг депарасида ўтирган томошачи бийларнинг кўзи Болқон адирига тушди. Ногоҳ чанг-ғубор осмонга ўрлади. Ул томошада турган бекорчи бийлар тўйхонага одам юборди. Бойни томошага айтқизиб келди. Бийлар айтди: Бой, Болқон адиридан чанг кўринди, бу келган чанг, албатта Гўрўғлихон бўлғай, пешвозликка киши чиқармоқ лозимдир, — деди. Ул вақти Оқчишвой бир қанча юрт катталари билан отланиб, бир қанча йигитларни, чавандозларни ўзларига биргалаштириб, бир танани сўйиб улоқ тортишиб Ҳасанхоннинг йўлига чиқиб борди. Улуғлар Оқте-

¹ Шу ерда.

² Угли жой.

падан ўтиб эрди, ул тарафда Ҳасанхон Болқон адирдан ошиб тушиб келди. Бунда бой қарадики, буларнинг орасида Гўрўғли йўқ. Бойнинг кўзи тушди, каттаси Ҳасанхон экан. Бой тўй қилганига юз чандон пушаймон қилди. Ҳасанхонни кўриб бойнинг юраги музлади, хон келмабдур, лекин Ҳасанхон ёш укалари билан келибдур, охир-оқибат тўйимнинг ҳоли на бўлар экан. Бул ўз қадрини билмаган қулваччалар охир тўйимга бир касофати тегиб кетмасин эди, деб бой тўй қилганига пушаймон қилди.

Бой қарадики, Ҳасанхон яқин келиб қолди, юртнинг улуғи учун ночор бийларга «Отдан тушинглар» деб ишорат қилди. Барча каттаю кичиклар отдан тушди, Ҳасанхоннинг йўлига бой бошлиқ пиёдаланиб бора берди. Ҳасанхон қарадики, юрт улуғлари пиёда келди. Ҳасанхон укалари билан ҳаммалари отдан тушди, пиёда юриб келиб бой билан кўришди. Бой Ҳасанга қараб бир сўз деди:

Белимда бойлаган камар садоғим,
Кўксимда қолмасин аламли доғим,
Қоматингга бобонг бўлсин садаға,
Хуш келибсан Ҳасанхондай чироғим.

Тўй қилиб берувдим хонимга хатти,
Хуш келибсан қоматингдан бек Ҳасан
Меҳмон қилиб хўб қилурман хизматди.

Тўй бошлади, бобонг, туркманни бойи,
Ун тўрт кунда тўлар осмонни ойи,
Хат юбориб айткизувдим хонимни,
Келмадими хоним, элимни шоҳи?

Белга бойлаган камар нўтангиз,
Совутга ярашган жемма жўтангиз,
Тўйга айткизиб хат берувдим хонимга,
Не сабабдан келмади хон отангиз?

Худо бошга ўзга ғамни солдими,
Қазо етган паймонаси тўлдими,
Не сабабдан хон келмади тўйимга,
Хон отангиз бойдан хафа бўлдими?

Яхши-ёмонни яратган худойим,
Муҳтож этмас душманига илоҳим,

Не сабабдан хон келмади бу тўйга,
Нима эди хонга мени гуноҳим?

Бунда Ҳасанхон бойга қараб бир сўз деди:

Бошга тушса ким тортмайди аламни,
Туркманда муншилар битти хабарни,
Тўй хабарин эшитди хон отам,
Ассалому алайкум, бердим саломни!

Отам қирқда юк кўтарган нор эди,
Етмишида Гуржистонни дориди,
Отга минса белни тиклаб юролмас
Қиблагоҳим кучи кетиб қариди!

Минган билан эплаёлмайди отти (ни),
Ўзи келмай бизни тўйга жўнатти (ди),
Соғ-саломат тўй ўтгунча бойбува,
Белин бойлаб биз қиламиз хизматни!

Совутга ярашган, бова бўйингиз,
На ишларга борар сизнинг ўйингиз,
Белни боғлаб биз қиламиз хизматни,
Алҳамдилло, обод бўлар тўйингиз!

Бул сўз билан бой Ҳасанхонга сиртида хушдиллик бериб деди:— Баракалло ўғлим, ёш келса хизмат эгасидир, қари келса иззат эгасидир. Отанг келса тўнини кийиб иззат кўриб кетар эди, келмабдир, сен ҳам хизмат қилурсан, ҳам тўйимни яхши обод қилурсан. Сендан хушнуддирман,— деб бой отга миниб, замонасозлик учун Ҳасанга яхши сўзлаб, муомала қилиб, олдига тушиб жўнайверди. Ичида: «Яхши тўнимни кийиб, яхши таомларга қорнинг тўйиб, кетар вақти устимга бир касофатинг тегиб кетмасанг ҳам вақтим чоқ, хизмат қилмасанг ҳам (майли)», деб бой ичида сўкиниб борар эди. Бой билан Гўрўгли ўртасида бир тортишган тафовут бор эди. Бойда бир яхши от бор эди, ўзи бўз ахта эди, каркдан кучли, дулдулдан қўҳлик эди, қанотли қушни қувса тутар эди. Бул отга Гўрўглихон ошиқ эди. Бойга неча мартаба «шу отни бизга берсин» деб одам юборса «дунёдан камлигим, йўқлигим йўқдир» деб бой хонга бу отни бермас эди. Бул сабабдин бой билан хон тортишиб юрар эди. Шул тўй жонибидин бой «давлатимни хонга кўрсатай» деб етти ўтов ясатган эди. «Қани хонлик зўрмикан, бойлик зўрмикан деб»

етти ўтовни чунон ясатган эди, ўтовларга шундай оро берган эдики, ҳар ўтовнинг белдамчиги кимхобдан, кийгизи манотдан, чангқироғи биричдан, керагаси кумушдан, остонаси тиллодан, бўсағаси ёқутдан, зийнат бериб, ўтовни ўн қават банот ичига, тўққиз қат кимхоб, ўн тўққиз қават палосни ҳам ўтовга ораста қилиб солдирган эди. «Мардижаҳон келса бирига муфтию мирза маҳрамлари билан тушар, яна бирига ойимлар тушар, бештасига беш тоифа амалдор ўз қадрига қараб тушар» деб ўтовларни шундай барпо қилган эди. Ногоҳ бой бу бегларни бошлаб бораётган эди, «мен хон келар деб шундай жойларни қилдирдим, шу қадр билмас қулваччаларни тушираманми? Хон мени писанд қилмай келмабди, бунинг болаларини далага ўтқазиб бир таъзирини берай» деб бойнинг феъли айнаб борди. Ногоҳ ўтовга яқин етиб эди, Ҳасанхоннинг укаларининг ичйда ёшроғи ҳам бор эди. Бой айтдики, магар, тўй ўтгандан кейин Гўрўғли болаларини олдига чақириб «бой буванг қандай ерга туширди, яхши иззат қилдими?— деб отаси сўраб қолса кўрганидан ҳам бўлмамай айтиб борадигани ҳам бор экан. Магар отаси сўраб қолса мендан кўнгли озирда бўлмасин. Ҳарна бўлса улугимнинг раъиси учун буларни ўтовга туширай» деб бой феълидан тушиб, Гўрўғлининг етти ўғлини ёлғиз-ёлғиз етти ўтовга туширди. Ҳар қайсисига ягона-ягона таомлар келтирди, дастурхон солди. Кун кеч бўлгач, етовига биттадан етти семиз қўйни сўйишга берди, етмиш йигитни хизматига қўйди.

Кеч бўлгандан кейин Ҳасаннинг укалари кенгаш қилди. «Ҳар қайсимиз отавош бўлиб, ўз ҳолимизга бўлмайлик. Каттаконимиз Ҳасанхон экан, ҳаммамиз бир жойда бўлайлик»— деб Ҳасаннинг ўтовига жам бўлди. Етти қўйни сўйиб хизмат қилган етмиш йигитлар қўй гўштларига тўйиб, ул ерда ўйнашиб кун кечирди. Ярим кеча вақти бўлди. Ҳасанхон хизмат қилган йигитларни чақириб айтди:— Эй биродарлар, тун бир вақт бўлибди, энди ҳар қайсиларинг ўз оромгоҳларингга қайтинглар, биз ҳам ухлайлик, деб хизмат қилган йигитларига жавоб берди. Ҳасанхоннинг укалари ҳам уйқуга ётди. Ҳасан ҳали булардан бир қанча кейин жойига бориб ётди. Ҳасан бошини ерга қўйиб эрди, ирғиб ўрнидан турди. Дарҳол Соқини «турғил»— деб турғизди. Соқини туриб:— Нима бўлди?— деди. Ҳасан айтди:— Дарҳол Сарик саманга (сарсаман) якка тўқим солиб, жуганлаб олиб эгарлайман, деб юрмай, тезлик билан далага

чиқ. Ер тагидан бежой отнинг довури келади. Мана шу манглай тарафга қараб нарироққа босиб боргин. Билмасман бу от дубурини. Тўйхона, майдонхона, йироқ-яқинга тўйга айтгани борғичи болалар шуларнинг от чопган дубурими ё бўлмаса эл биздан зериккан бўлса, юрт ичида оласи бўлиб, Гўрўғли болалари билан тўйга ёв яроқсиз келса тута бериб Гўрўғлининг шохини синдиргаймиз, деган кишилар Гуржистон қизилбошидан бир жойга лашкар келтириб қўйганмикан, шуми — кўп отнинг дубури келади. Шунинг олдига бориб кўзинг билан кўриб, нима эканини билиб келгин, — деди. Соқидарҳол Сариқ саманга якка тўқим солиб, жуганлаб миниб чиқиб кетди. Ажаб олам қоронғилик эди. Ер-кўк кўринмас эди. Соқи нарироққа юриб борди, бориб бир пуштани устига чиқиб қулоқ солиб қаради. Бир тарафдан бир шовқин, шарпа келди. Якка бир жилга ичига тўшиб, яна бир адир устига чиқди. Бир чуқурлик ичидан бир ажаб шовқин-ғавғолар эшитилди. Тасур-тусур от тўғининг овози, баъдаз одамнинг ҳам шовқини, шамол гувиллаган, шамолдан ҳам баланд, кўкка стар эди бу шовқинлар. Соқи бу нима шовқин экан, деб қулоқ солиб тўхтаб турди. Бу шовқин орасида Соқининг қулоғига бир овоз келди. «Қўйма, отанг бўлса ҳам қўйма» деб улоқ чопаетган экан. Тун ярим кеча вақтида ул шовқинидан одамнинг кўплигини Соқи билди, кўринмас эди. Мана бундан беш юз киши бордир деб мўлжаллади. Орқасига қайтаверди. Қоронғида кўролмасдан Соқи қайтиб келаётганида йўлидан бир эчки, улоқ ҳайдаган бола учради. Соқи олдидан тўсди. — Эй бола, қоронғида қаёққа борасан? — деди. У бола айтди: — Томошага (улоққа) бораман, — деди. — Кундузи борсанг бўлмасмиди, қоронғида борганча? — деди Соқи. У бола айтди: — Кундузи борар эдим, менинг отам шу бойнинг улоғига пулчун¹ экан, кечаси уйга бормай қолди. Энам «отанг от остида эзилиб йўқ бўлиб кетдим, ўлдими, уйга келмади, эртарақ сен бориб томошани ахтаргин, отангнинг бор-йўқ хабарини топиб менга бергин, — деб уйда ётгани қўймади, шунинг учун эртарақ бориб, отамни истай деб кетиб бораёман», — деди. Бунда Соқи айтди:

— Булар нимага кечаси улоқ чопади?

Бола айтди: — Кеча пешинда оғоналди қилган улоқ бартараф бўлмай ишкалиб кечасига қолган.

¹ Соврин берувчи.

Соқи айтди:— Сўйган улоғи нима?— Ул бола айтди:— Сўйган улоғи бир яшар туя,— деди. Тўртала тиззасини олиб қўйиб улоққа ташлаган. Оғоналдисининг бошига қирқ минг тилла пул, бир қул қўйган. Бунда Соқи сўради: Ул улоқчи қанчача бор?— деди. Бола айтди:— Улоқчининг ададини билиб бўлмас. Йиғинни пиёда, отли айлашиб олган. Бу тараф у тарафдагини одамнинг кўплигидан кўрмайди. Соқи болани «бор, боравер»— деб кетаверди. Бориб, Ҳасан акасига улоқ воқеасини баён қилди. Ҳасан айтди:— Бу хумса бой пойга кўп кетмасин деб, туя сўйиб улоқ қилибди, уни ким ўнгариб олиб чопар эди. Биз (бу) ерга тўн кийгани ё гўштга тўйгани келганимиз йўқ эди. Бизнинг ҳам мақсадимиз улоқ чопиб ўйнаб кетмоқ эди. Шу туяни сўйиб ташлаган бўлса ҳам ердан кўтариб олиб бўлмаса, от ёлига солиб бўлмаса, йиғин бузилгандан кейин улоқчиларнинг ўтирган майхоналарида сени отининг ёлига неча марта улоқ чиқди деб мақтанишадиган одати бор. Шунда бир оғзига кучи етмаган нодон айтарки, кун чиқардан кун ботарга донғи кетган Фиротнинг ёлига ҳам улоқ чиққан йўқ деб таъна кетар. Бунда Фиротнинг ҳам шаънига яхши бўлмас энди, тек ётиб ухлаймиз, эрта билан бойдан жавоб сўраб кетамиз. Бекларнинг улоқ кўргиси келмай кетиб қолди дер. Бу ҳам бўлса Фиротнинг обрўси бўлур деб, уйқуга ётдилар. Эрта билан уйқудан туришди. Бой буларни тўйхонага йўқлатди. Буларни зиёфат қилиб, тўн-сарполарни кийдирди. Тўн-сарполарни кийгандан кейин Ҳасанхон бойдан жавоб сўради.— Бой бува, бизга жавоб беринг, биз кетайлик! Бой айтди:— Тўй ўтгунча турмасмисизлар, мен сизларни қадрлаб айтган эдим.— Тўйни кўрдик, ҳарна бўлса бизга жавоб беринг,— деб бойнинг сўзини қайтарди.

Бой:— Тўй ўтгунча турсанглар бўлар эди,— деди. Аммо ичида «кета қолса экан» деб турган эди. Тўйимга бир каср бермасайди деб бойнинг булардан кўп хавфи бор эди. Шундан кейин бой буларга жавоб берди. Бойдан рухсат олиб, тўн кийган хилотларини хуржунга солиб, отларига минишиб, тўйхонадан чиқиб, Чамбилга кетмоқчи бўлиб жўнади. Туркманнинг даласига чиқиб эди, вақти шул чошка бўлди. Ногоҳ буларнинг кўзи улоқ йиғинига тушди. Ҳасан шундай тўхтаб қараса кўп оломон жам бўлибди. Бул халқнинг кўплигини ҳадди-худини билиб бўлмас. Ҳасан Соқиға қараб айтди:— Эй Соқижон, дунё бино бўлиб биздан аввалги замонда

хам шундай гурунг — катта йигин бўлмагандир. Биздан кейинги замонда ҳам бунчалик йигин бўлмаса керак. Бул томошани кўрган ҳам армонда, кўрмаган ҳам армонда. Бу бешови хуржун-хулонни олиб-йўл босаверсин, биз икковимиз шул томошанинг ичига кирмасак ҳам шундай қирғоқлаб бир ўтиб кетайлик,— деди. Соқи:— Хўб бўлади,— деди. Хуржун-хулонни беш укасига бериб:— Сизлар аста-секин юраверинглар, биз ҳам орқаларингдан етиб борамиз,— деб беш укасини босган йўлига қараб Чамбилга жўнатди. Икковлон Соқи билан Ҳасан томошага қараб борди. Томошанинг атрофинда тепа, адир, адирнинг қиясида — ёнбағрида ётган бекорчи пиёда бийлар бор эди. Улар оти йўқ, томошани кўролмади, бўғилиб ётган эди. У пиёда бийлар томошачи оломонга қараб дедик:— Эй оломон, ана у келаётганлар Гўрўглининг ўғиллари, булар йигинга кирар, улоққа қўл урар, туяни кўтариб ололмас, от ёлига сололмас, улоқнинг бир ёғидан ушлаб судраб, кўтаролмай тушириб қўйса, бирор кишини отининг оёғи шул улоққа тегиб кетса, ўзи улоқни кўтаролмаса-да, сен бостириб, тушириб қўйдинг,— деб отининг оёғи тегиб кетган кишини қамчига олиб, қилич билан чошиб ташлаб, тўйга каср қилар. Оломон, буларга йўл берманглар, йигинга киргани қўймаглар, чопонингни бераверинглар, йигинга киролмай кетиб қолсин. Гўрўглининг отларини тулақда ётибди деб эшитганман. Бу томошанинг дарагини эшитиб совутмай миниб келгандир. Тўсин отлар ҳуркиб йигинга киролмайди. Оломон бийларнинг бу сўзини эшитди. Оломон чопонларини бошига чўмканиб, этагини чалпонглатиб тупроқ сочиб, кесак отиб шовқин бера берди. Отлар бул шовқиндан ҳуркиб, ҳаргиз яқин бормади. Шул ердан бошқа ерга ҳам бориб уринди. Оломон бир-биридан кўриб ўшандай қила берди. Ҳасан билан Соқини йигинга киргани қўймади. Қайси бири йигинга айланиб борса ҳам бир-бирини кўриб шундай қила берди. Йигинни айлана-айлана яна аввалги уринган жойга келди. Қарадики, яна киргани қўймади. Кун чошка эди, то йигинни бир айланиб келганча кун қиёмдан ўтди. Ҳасан дарғазаб бўлди, отдан тушди, Соқига қараб бир сўз деди:

От белини маҳкамлагин Соқижон,
Феъли бузилди бугун гала туркманди (ни),
Мен қиларман йигин ичра хоҳишди (ни),

Худо бошга солса кўрай на ишди (ни).
От айилин маҳкамлагин, Соқижон!

Феъли кетганларга бошла урушти (ни),
Бугун кўздан заҳар чашмин чизилди,
Гусса ғамга юрак-бағрим эзилди.
Қамчи ўрнига қилич ушла Соқижон!

Гала туркманларнинг феъли бузилди.
Мен қиларман доим ҳаққа нолишди (ни),
Берди отам оти анжом, қиличди (ни),
Аямагин феъли кетган туркманди (ни).

Ўрдак учган кўлнинг суви лойлансин.
Нокас қўли эр йигитга бойлансин.

Сол қилични аямасдан каллага,
Умид билан Оқчишни қилган тўйи,
Одам ўлиб худойига айлансин!

Ҳасан билан Соқи қилди шиддатти (ни),
Зартанглаб минди иккови отти (ни),
Тизгин қоқиб дап беришиб отига
Босиб-босиб отга қамчинни торти.

Қамчи ўтиб от қисиллаб кишнади,
Ерга нихтаб сувлиғини тишлади.
Қамчи ўтиб ғарқирашиб бедовлар,
Оломон устига ирғиб ташлади.
Ҳасан қилди йиғин ичра ғайратти (ни),
Отлиқларни ўнгарлатиб ов отди,
Пиёдани паймол қилиб тепсатди,
Айни тушда кирган эди йиғинга,
Пешин вақти улоқ устига етди.
Ҳасан шиддат билан ўзин чоқлади,
Ечиб олди якка тизгин қайишди (ни),
Энгашди, улоқ белидан боғлади,
Ўзин тиклаб хўп эгарга жойлади,
Кўп йиғлади яратганга ялбориб,
Хўб кўтарди ул улоқни зўр бериб,
Ҳасан боқиб йиғлар эди ҳолига,
Ололмади Фиротининг ёнига,
Умрида қилмаган эди бул ишди (ни)
Бора-бора Ҳасан бели бўшақди,
Қайта бошдан қилди қаҳри шиддатти (ни),
Ёлиға қамчини силкиди отди,

Кўтаролмай ул улоқни судратди,
 Шамолга сурилган қора булутдай,
 Оломонни гуруллатиб чуватди,
 Менга бўлди қиёмат охир замон,
 Бўлғаймикан тангрим менга меҳрибон.
 Уч юз олтмиш тўрт томирим чўзилди,
 Қайда қолдинг, кел жувонмарг, Соқижон?
 Ҳасаннинг товшидан топди хабарни,
 Саманни тезлатиб Соқижон борди,
 Ҳасанхон улоқни кўтариб зўр берди.
 Отдан тушиб Соқи тагидан кўтарди,
 Икковлашиб Ғир ёлига ўнгарди,
 Еппа қилди ёлиға ўл Ғиротди(ни),
 Кета бер,— деб Соқибекни жўнатди,
 Улоқлар олдига бориб бек Ҳасан
 Жавлон қилиб Ғиротини ўйнатди.
 Ҳасанхоннинг гулдай юзи ёлбориб,
 Бир нечалар қувар эди сарғайиб,
 Улуғлар олдига бориб Ҳасанхон
 От ўйнатди ул улоқни ўнгариб,
 Отнинг чанги қуюндай бўп тизлади,
 Кўпиклаган отнинг тери музлади,
 Қулон минган туркман элни ушла деб,
 Улоқни олиб дала йўлни кўзлади.

Бунда туркманнинг тепа-тепада ўтирган бекорчи бий-
 лари шовқин берар эди:— Эй, чавандозлар, бир кишига
 қараб турамисизлар, ушланглар, улоқ кетди,— деди.
 Чавандозлар айтди:— Бекорга томоша кўргани белла-
 рнинг толадими? Тўйхонага бориб Ҳасан пойгасини олиб
 қайтиб келар,— деди.

Қараб турдики, бизнинг отимизнинг олдига тўрт
 кун, баъзисига икки кун бўлибдир. Сув, ўт ҳеч нима
 сб-ичмаган-да, деб туриб эрдик, Ҳасан улоқни ўнгариб
 тўйхонага кирмай Оқтепадан ўтиб, Болқон адирига
 қараб кетди. Шул бекорчи бийлар шовқин берди.— Ана
 чавандозлар, улоқ кетди, Ҳасан улоқни олиб кетди,—
 деб бийлар чавандозларга танқид берди. Ул оломон-
 нинг сўзига чидай олмай, чавандозлар Ҳасанни қувмоқ-
 чи бўлди. Отаси ўлган, мол-дунё кўп қолган бойлар-
 нинг болалари қаерда номи чиққан отларни хиллаб
 чиқди. Ҳасанни мен тутиб келаман,— деб бировидан
 беш танга қарздор бўлмаган, бировга беш танга қарз-
 лик қилмаган, қарзни, олди-бердини билмаган, ҳавас
 қилиб юз тиллодан қарз кўтариб, янги от олиб минган,

янги бойваччадан юз эллиги хилланиб чиқди. Юз тилла қарз умр ичида гардондан кетмаган, бойнинг пулини ҳар йили фойдасини бериб танини узишга кучи етмаган, устига яна юз тиллодан кўтарма қилиб, от олиб миниб чиққан таваккалчи бойваччадан юз отлик хилланиб чиқди. Уч юз от хилланиб Ҳасанни ушлаб, улоқни олмоқчи бўлиб кетидан қувлаб кетишди. Орқасидан қувиб борар эди, отларнинг олди Болқон адирига етди, орқаси Оқтепадан ўтди. Ҳасан Болқон адиридан ошиб кетди, еткизмади. Ул уч юз чавандознинг отлари йнғин ичида сувсизликдан ташна бўлган эди. Ичи куйиб, қараб (қаҳраб) йўлма-йўл бари йиқилди. Бул отнинг эгалари тўнларини ечиб, отларининг бошига ёстиқ қилиб: «Мени отим ўлмай қолсин» — деб тилар эди. Бир юз бойвачча ҳасрат қилар эди. «Кимсан, фалончи бойнинг ўғли, бойвачча эдим, отамдан қолган бор дунёمنى сарф қилиб бул отни олган эдим. Ҳеч соликамми йўқдир. Бу от ўлса нечук тириклик қилгайман, отим ўлмаса сотиб, пулини сутга бериб пиёда юрсам ҳам отамнинг касбини қилай, — дер эди. Яна бир юзлари айтар эди: — Мен кемачи эдим, мен ҳам отимни сотиб, қарзимни қайтариб қўяман, — дер эди. Яна бир юзлари айтар эди: — Ман ҳар йили бойни пулининг фойдасини узсам ҳам, танига бойлар индамай турар эди. Энди қарз икки юз тилла бўлиб қолди, мен нима қилурман. Агар менинг отим ҳам ўлмаса, мен ҳам сотиб қарзимнинг нисбини узиб қўярман, — деб тилак тилар эди. Буларнинг тилаган тилагидан фойда бўлмади. Охир бул отни икки юзи ўлди, бир юзи соғайиб ўрнидан турди. Уч кишидан мингашиб, иккитадан эгар-тўқимни кейинига бойлаб, Қашқардан кўчган лўлидай туркманнинг кимхоб кийган бойваччалари орқасига қараб қайтаверди. Булар томошага қараб келаётган эди, эндиги сўзни Оқчишбойнинг отасига тўй маслаҳат кўрсатган Бўтакўз қизидан эшитинг.

Гўрўғлининг болалари келиб улоқ олиб қочганмиш, туркманнинг бойваччалари орқасидан от хиллаб қувлаганмиш. Кўрайлик, деб қирқ қизи билан томга чиқиб қараб турган экан. Шу қайтиб, мингашиб келаётган чавандозларни бирисининг кўзи қизга тушди. Чавандозларга боқиб айтдики: — Эй улоқчилар, бойларнинг олдига мингашиб шу кайфиятда бўлиб борсак, шул оғзи боймоқ бойлар бизга яна дашном беради. Уларнинг беҳуда сўзини эшитгунча, ана бойнинг қизи Бўтакўз томга чиқиб қараб турибди. Элат қизи қочмайди.

Буни бориб кўрмаймизми, отимиз ўлса ҳам бир дардимиз чиқар,— деди. Чавандозлар қизни кўрмоқчи бўлиб барчаси қизга қараб жўнади. Ногоҳ буларнинг бораётганини қиз ҳам кўрди. Қизнинг бетидан ниқоби бор эди. Чавандозлар яқин борганда қиз бетидан ниқобни олиб ташлади, кокиллари парижон-парижон қилиб ҳар тарафга ташлаб, лабини тишлаб, биқинни ушлаб, дурёғимини бошига ўраб, кокилининг долини бураб, чавандозларнинг кўнглини хушлаб, томнинг лабига келиб қараб турди. Уч юз чавандоз уч кишидан мингашган, иккитадён эгар тўқим орқасига боғлиқ буктарган, томнинг тагига келиб тизилиб қатор бўлди. Ул қизнинг жамолига қараб, ҳушлари бошидан кетди, янги ўлган ўликдек термилиб, жағини йиғолмай қолди. Бунда бойнинг қизи Бўтакўз уч юз чавандозга қараб бир сўз деди:

Оқил банда ҳар гапни билиб сўзлар,
Ёмон банда қилар ишини кўзлар,
Ҳормангизлар, туркман элнинг беклари,
Ясов тортган туркман чавандозлари!
Менинг сўзим эшитинг, эй чавандоз,
Об келган улоқни сиздан тилайин!

...Баракалло, чавандозлар эшитинг:
Мен тилай об келган улоқ гўшини!

Мўлжалга келмаган ишга ҳаргиз борманглар,
Бошга на иш тушса ҳақдан кўринглар,
Мен тилайман сиздан улоқ гўшини,
Баракалло, туркман беги, ҳорманглар!

Бу ҳолда чавандозларнинг олдида улоқ йўқ эди. Қизнинг юзига ҳеч қайсиси боқолмай қолди. Ҳаммалари ерга қараб, отнинг ёлини силаб тураверди. Қиз билдики, улар улоқни ололмай қайтиб келган экан, яна қиз уларга бир сўз деди:

Уч юз эди юзи қопти санаган буроқ¹,
Эр йиғитга дунёда номус керак,
Улоғинг йўқ келиб мени кўргунча —
Отдан олдин ўлганларинг яхшироқ!

¹ Бу ерда от маъносида.

Рустамча бордир қадди-қоматинг,
Эр йигитсан, хотинча йўқ уятинг,
Биринг қолмай баринг ўлгин қирилиб,
Ҳасанхонча бўлмаса ориятинг! 20,5

Туркман элида каркиллашиб юрганлар,
Одамман деб ўзига зеб берганлар,
Биринг қолмай баринг ўлгин қирилиб,
Улоғинг йўқ, мени келиб кўрганлар!

Тинмай оқар бўлди, Бўга кўз ёши,
Ғамда қолди мендек Бўтанинг боши,
Олиб келгин акам жома-тўнини,
Ахтабўзни келтир Миро қўрбоши!

Зар кокилим зардан тараб ўрайин...
Отни шундай келтир менга, мирохўр
Ҳасанхонни ўзим қувиб борайин,—

деб мирохўрдан от, тўнни талаб қилди. Хидир Миро қўрбоши акасининг жомалари билан отни тайёр қилди. Бўтакўз нўғай этикни оёғига кийди, уч қават жомаи хилатни устига кийди, тўққиз тўғали камар(ни) белига ҳамойил қилди, қилични ёнига осди, кокилини тахлаб симсори телпакнинг тагига босди. Сумбати шамойилини эр йигитдек қилиб, Ахтабўзни устига миниб, Ҳасаннинг изидан туриб кетди. Болқон адирдан ўтди, Болқон жилғасой ичига тушди. Ул вақти Ҳасанхон Соқижонга, беш укасига етиб, еттовлон Болқонсой ичида улоқни ўнгариб, аста юриб кетаётган эди. Бойнинг қизи Бўтакўз Ахтабўзни тосқоқлатиб, Болқонсой ичида борарди. Ахтабўзни туёғининг тошга теккан овози бир порсо йўлдан Ҳасаннинг қулоғига етди. Ҳасан орқасига (қараб) ҳар жойга назорат қилиб қарар эди. Йўл ораси узоқлик қилиб англамас эди, ёнидаги укаси Соқига қараб Ҳасан бир сўз деди:

Ўйлаб турсам омонатдир танда жон,
Ким ўтмаган бу дунёда беармон,
Орқалиқдан от дувури келадир,
Орқангга қайрилиб қара, Соқижон!

От думини тўйиб, ёлин тарагин,
Ҳам сафарим, хизматимга ярагин,
Орқамиздан от шарпаси келади
Болқоннинг йўлига боқиб қарагин!

Марднинг фош бўлмасин номардга сирин,
Мендан, ука, аёз кўзингнинг нури,
Болқоннинг белига боқиб қарагин,
Орқамиздан келар отнинг дувири!

Бул сўзни Соқи Ҳасандин эшитиб, орқасига қараб
хўп назорат қилиб кўрди. Шунда Ҳасанга қараб бир
сўз деди:

Уйлаб турсам омонатдир танда жон,
Жумла жонга фони дунё бепоён,
Ташлагин олдинда ортган улоқни,
Сенга инъом бўлмас туя, бек Ҳасан.

Катта бўлсанг яхши йўлга бошлагин,
Ҳамсафарларингнинг кўнглини хушлагин,
Ташлаб кетгин ҳаром ўлган улоқни.
Жигар-бағрим тешар бахилнинг кўзи,
Банди бўлганни узар ғанимнинг сўзи,
Ташлаб кетгин ҳаром ўлган улоқни,
Келаётган Оқчиш(нинг) Ахтабўзи.

Душманни кўрсам суягим қақшайди,
Ғанимни ўйлаб банди-бўғиним бўшайди,

От устинда келаётган муштипар,
Мен танисам — қиз болага ўхшайди.
Қаҳр айласа қиров золим муртида,
Қочоқбек атандик туркман юртида,
Бўштаб-бўштаб қамчи солар буралиб
Бир қиз бола Ахтабўзни сиртида.

От чопарга қойим чўлнинг даласи,
Чамандек очилар гулнинг лоласи,
От устинда келаётир муштипар,
Оқчишвойнинг Бўтакўздай боласи.

Уйлаб кўрсам омонатдир танда жон,
Қимки ўлса қиёмат охир замон,
Бул сўзимга қулоқ солгин, бек Ҳасан,
Бой қизин айлайн мен сенга баён.

Тагида минган оти бўз тарлон,
Мен сенга билдирай энди Соқижон,
Уч йил ҳаммақтаб бўлиб синаганман,
Ўзи полвон бебошдур, оғзи ёмон.

Бошинг кесиб зомин бўлмас қонингга,
Сени ўлдириб жабр солмас жонингга,
Эр йигитга иснод ўлимдан ёмон,
Оғзи бебош тантирайди шаънингга.
Тантираса, Ҳасан, обрўйинг кетар.

Соқи бу сўзни Ҳасанга бир-бир айтиб бўлгунча, бу
сўзни эшитиб Ҳасан аччиғланди. Баъдаз Ҳасан Соқига
қараб бир сўз деди:

Соқи сўзлаб билармисан ҳолингни,
Урганчи дилхирож дейди элингни,
Бир нокас бойласин икки қўлингни,
Номус қилмай қандай менга гапирдинг.
Кесиб оламан, жувонмарг, тилингни!

Давлатимда эл ичинда эркасан,
Ўз тенгингга қўй бошлаган серкасан,
Номус қилмай бунча менга мақтадинг,
Қиз боладан ўлгир бунча қўрқасан?

Улоқ олиб келдим туркман элидан,
Қиз йўлиқса қучмоқ керак белидан,
Уялмасдан бунча менга мақтадинг,
Немиш келар ул бир қизнинг қўлидан?

Ошиқнинг кўнгли мошиққа фармонма,
Ошиқ ўлмай кўнгли бўлмас бегона,
Менга етолмай юрган бойнинг қизи,
Улоқ бўпти бой қизига баҳона.

Келса бирга борар аканг жойига,
Танасини бағишлар Ҳасан бўйига,
Бўтакўзни олиб бориб Чамбилга,
Улоқни соларман никоҳ тўйига.

Бойнинг қизи довуши етқудай жойга етиб келиб қолди.
Шул ҳолда Ҳасан билан Соқининг ўртасида сўзланаёт-
ган сўз тамом бўлди. Ногоҳ бойнинг қизи Ҳасаннинг
орқасидан етиб келиб бир сўз айтиб турган ери:

...Дол бўйингга мен бўлайин садага,
Юртимнинг эгаси, бегим туравор!

Эр боласи қилмас нокас ўйини,
Сизга Бўта бағишласин бўйини,

Отам қариганда ҳавас қилувди,
Бузиб кетманг отам қилган тўйини!

Дўст аямас эр кишидан бошини,
Ошиқлар тўкади кўзин ёшини,
Ташлаб кетгин олдингдаги улоқни.
Ҳасан бегим, қилманг нокас ишини...
Юрт эгаси Ҳасан эшит арзимни,
Унгарган улоқни сендан тилайин!

Ишқингда сарғайтма гулдай юзимни,
Ешлатмагин ҳасратингдан кўзимни,
Ташлаб кетгин олдингдаги улоқни,
Пойганга ўлжа қил, олгин ўзимни!

Урдак қўниб булоқ суви лойлансин,
Майдон ичра эр йигитлар шайлансин,
Ташлаб кетгин олдингдаги улоқни,
Дол бўйингдан мендай Бўта, айлансин!

Қазо битган ажал шаробин ютар,
Беақллар кўрган кунин унутар,
Ташлаб кетгин олдингдаги улоқни,
Ҳали замон Ҳасанхон Бўта кетар.

Ҳасан қулоқ солмай бораверди. Бўтакўз яқинроқ етди,
Ҳасанга тагин бир сўз деди:

От чопарга қойим туркман даласи,
Чаман гулдек қизил юзим лоласи,
Ташлаб кетгин обрўйингнинг борида,
Туркистонда Холдор (бекнинг) боласи!

Сен бўлибсан гала туркманнинг зўри,
Орқангдан эргашди Бўтакўз чўри,
Ташлаб кетгин олдингдаги улоқни,
Чамбил элда қирқта боқманнинг бири!

Сувга ташна бўлди Чамбилнинг чўли,
Ташналикдин ўлар чўлнинг булбули,
Ташлаб кетгин олдингдаги улоқни,
Гўрўғлининг боқма, сақланди ули!

Бул сўзга Ҳасан бовар қилмай боради. Бўтакўз якка
тизгин қайишни ечиб тўрт қаватлаб олди: Улоқни ёппа
қилган от бўйнига билагини ўтказиб улоқнинг белига
қайишни чатди, эгар қошидин ошириб узангига бор-

лади. Ҳасан билан андак бирга юрди. Ҳасан Соқига қараб бир кулди. Бунга Бўтанинг кўзи тушиб рашки келди. От бошини тортиб орқага қараб буради. Ҳасанни оти билан бир даб бериб, ағнатиб кетди. Улоқни судраб, оёғининг учи билан итариб от ёлига ўнгариб олди. Ҳасан туриб ул қизнинг ҳолига улоқни тушириб қўйса деб қараб турар эди. Кўрдик, қиз от ёлига ўнгариб олиб кетди. Ҳасан қизни бу ҳолда кўриб, таҳсин қилди. Соқига боқиб айтди:

— Эй Соқи, ҳарна деганингча бор экан. Бу қиздан ҳазар қилмоқ керак. Иккимиз зўрға отга солган улоқни ўзи танҳо от ёлига солиб олди. Соқи айтди:— Эндиги сўзни фойдаси йўқдир, Авазнинг ухлаган жойига келибдирмиз. Авазни уйғотай,— деб Соқи бориб Авазни уйғотди.— Турғил, ана улоқни Ҳасан олиб келиб эрди, бойнинг қизи Бўтакўз орқасидан етиб келиб, Ҳасанни йиқитиб, улоқни олиб кетиб боради,— деди. Аваз ўрнидан туриб дарҳол Ғиротни устига ўзини олди. Етиб бориб улоқнинг бир тарафидан Аваз ҳам босди. Қиз — иккаласи улоқни тортишиб, тепани бир айланиб келди. Ногоҳ Авазнинг отини мункийтиб йиқитиб кетди. Аваз ўрнидан туриб, отга миниб яна ушлади. Бориб икковлон улоқни тортишиб кашан-кашан қилиб судрашар эди. Авазни яна оти билан юмалатиб кетди. Аваз уч мартаба улоққа осилди, уч мартабага довр оти билан йиқитиб кета берди. Авазнинг отга мингани мажоли қолмади. Аваз дармонда бўлиб отга минмай, телпагини қўлига олиб, тизгинни билакка солиб, бетининг терлаган терини артиб, отини етаклаб, орқасига қараб қайтаверди. Бойнинг қизи Бўтакўз бир бўйинча бориб эди, орқасига бир қайрилиб қаради. Кўзи Авазнинг ҳусни — бобига тушди. Авазни ялангбош кўрди. Бошида икки зулфи зарафшон кокили камарига тушар эди. Бўтакўзжон аста дилида «оҳ» тортиб от устидан бир одим ирғиб тушди, афсус қилдики ҳар иш қилдим жонимга жафо қилдим, Аваздек зот оламда одамдан туғилиб бинога келмас. Мени отам бой бўлган билан Авазнинг кўланкасига муҳтож кишига бергай. Ҳар ким Авазнинг соясида ётиб жон берса қатра армони қолмагай. Бориб ўзимни бир тасаддуқ қилиб, бир узр айтай, шояд гуноҳимдан кечса, сўзимга ширин-яхши жавоб берса, Авазхонга ваъда қилай. Бул ҳам Ҳасанхонга ўхшаб гардонғавслик¹ қилиб сўзимга яхши муомала қилмаса,

¹ Бўйинийўғонлик.

бунинг ҳам таг-туби эсидан чиқиб қолган бўлса, эсига солиб кетай, деб орқасига бурилиб, тагида от олдида ўнгарган улоқ билан келиб Авазнинг олдидан тўсди. Бўтакўз отли, Авазхон от етаклаган пиёда эди. Авазга қараб Бўтакўз бир сўз деди:

Ким ўтмагай бу дунёдан беармон,
Фидо бўлсин, хоним, сизга танда жон,
Энди арзим айтай, тўхтаг, бол Аваз,
Ўзим сизга ҳадядир, бегижон.
Арз айладим, қулоқ солинг бол Аваз,
Шу сафарча кечинг менинг гуноҳим.

Тополмадим ишқингда иложимни,
Чулғаб ётсам бўйнингизга сочимни,
Шу сафарча кечинг қилган гуноҳим,
Азмойиш¹ айладим сизга кучимни.

Қўлда май берсам асалдек ичарсиз,
Тақдир этган куни белдан қучарсиз,
Кучим синамоққа сизни йиқитдим,
Шу сафарча гуноҳимни кечарсиз.

Мининг, бол Аваз, Фирнинг белига,
Менинг билан боринг туркман элига,
Маррага яқин етиб борганда,
Улоқни оширай отнинг ёлига.

Уйга қараб кетар мендек паризод,
Паккага об бориб ташланг Аваз мард,
Сизни, мени кўрар жумла жамоат,
Иккимизга тенг бўлади орият.

Етиб қолинг, отам қилар зиёфат,
Саҳар вақти Оқтепага муҳлат.
Менга асал беринг майдек ичарман,
Бой отамни давлатидан кечарман,
Саҳар вақти келсангиз Оқтепага,
Сизнинг билан Чамбил элга қочарман.

Аваз Бўтакўзнинг сўзин хушлади,
Отни миниб улоқни босиб ушлади,
Улоқ тортиб туркманга йўл бошлади,

¹ Синамоқ.

Томошага яқин етиб борганда
Ғир ёлига ул улоқни ташлади.

Бўтакўз ошириб уйига кетди,
Улоқ олиб Аваз майдонга етди,
Халойиқлар шовқин бериб кўз тутди,
Майдон ичра етиб бориб бол Аваз,
Улоқ ёппа қилиб отни ўйнатди.

Майдон ичра бўз Ғироти кишнади,
Ерга нихтаб от сувлиғин тишлади,
Жавлон қилиб хўб ўйнатиб бол Аваз,
Улуғлар олдига бориб ташлади.

Шул вақти Аваз отдан тушиб катталарга таъзим қилди. Халойиқдан шовқин чиқди:— Кетган улоқни қайтариб келган бойнинг қизига ҳам раҳмат, улоқни паккага ташлаган Авазнинг ўзига ҳам раҳмат,— деб халойиқларнинг шовқинини эшитиб, Аваз инсоф қилди.— Қизнинг айтган гапи рост келди, обрў икковимизга ҳам бўлди,— деди. Бу ҳолда Авазхоннинг олдига йиғин ичида қўйган қирқ минг тилла пул, битта қул шул улоқни пойгаси деб Авазга пешкаш қилди. Авазхон ул пойгани олмай, бойга узр айтди.— Ҳо бой бува, мен тўйга келганим йўқ эди, Ҳавдак кўлида ов қилиб юрган эдим, биродарларим тўйга келган эди. Ов қилиб юрган жойимда Ҳасанхон бул улоқни ўнгариб борди. Мен сўрадим:— Тўй тарқадими? Ҳасан айтди:— Тўй тарқаган йўқ, бул улоқни олиб қочиб келдик,— деди. Мен айтдим:— Яхши қилмабсан, чароки ҳурматлик тўйни бу тариқа қилиш хўб эмас. Ҳали ҳам бўлса улоқни қайтиб олиб борғил,— дедим. Ҳасан айтди:— Орқамдан бир неча отлиқлар қувиб етолмай қолган эдилар, энди боргани номус қиларман,— деб унамади. Бўлмаса мен олиб борай, от қувишимни Ҳасанга бердим. Бул улоқни отга миниб ўзим олиб келдим. Бул сабабдан сиздан уятлидирман. Улоқни олиб келмоқчи бўлиб тўйга қуруқ келиб қолдим. Агар тўйга ўзимча келганимда бир нима туҳфа билан келар эдим. Энди омон бўлсак бир-биримизда қолишмас. Озимни кўпга кўриб олғайсиз, тўйга қўшганим деб бойнинг берган пойгасини ўзига тутди. Барча халойиқнинг кўзи буларда эди. Ҳамма халойиқлар Авазнинг идрокига раҳмат деб, улуғлар қўл очиб Авазнинг умр ҳақиға дуо қилди. Аваз бошини ерга қўйиб қуллуқ қилди. Ичида

«қизингизнинг қалини шу» деб қўйди. Баъдаз Авазни олиб бориб бир ўтовга туширди. Беш-ўн йигит (билан) бир қўйни сўйишга берди. Ул йигитлар билан бу қўйни сўйиб шул кун шу ерда кун кечирди. Тун ярим кечадан ўтди, Авазхон хизмат қилган йигитларга рухсат берди.— Эй, йигитлар, энди оромгоҳларингга қайтинглар, биз ҳам бир оз ухлайлик. Хизмат қилган йигитлар тарқаб кетди. Авазхон отни эгарлаб, от устига миниб чиқиб жўнади. Эрта саҳар вақти бор эди, далага — Оқтепага етиб келди. Бойнинг қизи Бўтакўз Ахтабўз отни миниб, Аваздан илгари Оқтепа устига келиб турган экан. Аваз кўрдикки, қиз либосини кийиб келиб турибди. Авазхон от билан қизни олиб Чамбилга жўнамоқчи бўлди. Яна Аваз ўйладикки, бул қиз билан отни олиб кетсам от ўгриси бўлурман. Эр йигитга от ўгриси ланқаси¹ ёмондир. Чораки² ошиқлик қўйида қиз олиб қочмоқликнинг айби йўқдир. Ҳарна бўлса отни қўяй, қизни олиб кетай,— деб эгар қошига тизгинни ўраб, от соврига солди қамчини санаб, бойнинг оти уйига кетди қараб. Бўтакўзнинг билагидан ушлаб, Фиротнинг соврисига ташлаб Чамбилга қараб олиб жўнади. Зих³ саҳар вақтида Чамбилнинг қаласига етиб келди. Тонг отган вақтда шаҳар ичига келиб ўз хона — ўрдасига тушди. Бул қизни ҳовлисига қўйиб кўчага чиқиб бир мачитдан бир чала муллани топиб олиб келиб, қизни никоҳ қилиб, устига бир паранжи тўнни ёпиб домлани жўнатди, қизни олиб ёта берди. Эндиги сўзни туркман элидан, тўйхонадан эшитинг.

Шундай катта йиғинда эрта билан ҳеч ерда бир киши ётганини кўрмайсиз. Унда ё уч киши, ё икки киши, бурчак-бурчак, муюш-муюшда шивир-шивир бўлиб ётибди. Нима дерсан, Авазхон келиб ётган экан, кечаси бойнинг қизини олиб қочиб кетган экан — деб тўй бузилиб, Авазнинг кенгашига туркман халқи жам бўлдилар. Бир кўкалама майдонга жой қилишди, туркманнинг мен деган сўзамол ақобирлари ҳалиги кўкалам майдонга жам бўлишди. Бул ерда улар айтдики, бу нима ҳолдир, шу ҳам хорликми, шу ҳам зўрликми...

Бул туркман Гўрўғлига арзга борамиз, ё Аваз турсин, ё туркман эл турсин. Бориб арз қиламизки, агар сизга туркман эли керак бўлса Авазни бойлаб беринг,

¹ Таъна, доғ.

² Чунки.

³ Айни.

биз Авазни олиб бориб дорга осиб ўлдирамиз, тўй ўт-
гунча тагида улоқ тортамиз. Агар сизга Аваз керак
бўлса туркман элидан кечинг, яроқ-жабдуқ ростлаб
сиз билан жанг қиламиз, ё қирқ минг уйлик туркман
сизнинг қўлингизда ўламиз, ё сизни ўлдириб ҳукуматни
оламиз,— деб хонга шу арзни қиламиз. Ё Гўрўғлихон
Аваздан кечар, ё туркман элидан кечар,— деб шу кен-
гашни қилиб, арза битмакка муқойид бўлди. Муншилар
қоғоз, довод¹ келтириб ариза битди. Гўрўғлига арз
қилмоқ учун туркманнинг мен деган кўкраклик бийла-
ридан уч юз киши аризага тушди. Шул тариқада уч-
кечаю кундуз йиғин бўлди. Вақти саҳар бўлиб эрди.
Булар фотиҳа ўқиб эртаманан жўнармиз деб тарқамоч-
чи бўлди. Ногоҳ булар фотиҳа ўқимоқчи бўлиб турган
эди, бир ёшдан чиққан етимча оқсоқол буларнинг ўрта-
сига кириб келди. Барча улуғларни кўзи шунда бўлди.
Ул келган ёш айтдики:— Эй улуғлар, мен бир сўз топиб
келдим, агар айб қилмасанглар сўзласам,— деди. Улуғ-
лар айтдики:— Эй ёш бола, бул йиғин шундай йиғин-
дирки, қирқ минг уйлик туркман Гўрўғлининг тифини
остига бошини тақдим қилиб турган йиғин. Ҳар ким
бул йиғинда каттаман-кичикман демай, топган фикрини
ўртага солиб сўзласин, қайси бир сўз маъқул бўлса
шунга қараб иш қилгаймиз,— деди. Ул етимча оқсо-
қол айтдики:— Мен сизларнинг фикрларингни билай,
баъдаз мен сизларга сўзимни баён қилай. Сизларнинг
фикрларинг Гўрўғлихонга арз қилиб қизни айириб
келмоқдами ёки Авазни ўлдирмоқдами?— деди. Ул
вақти улуғлар айтди:— Қизни айириб келган билан
абадулабад туркманнинг бошидан ҳеч ланқа кетмайди.
Бир замонида Гўрўғлининг бир қули билан туркман-
нинг бир қизи қочиб кетган деган таъна ҳаргиз турк-
маннинг бошидан кетмайди, токи Авазни олиб келиб
ўлдирмасак, туркманнинг орияти кетмайди,— деди. Ул
етимча оқсоқол айтди:— Бундай бўлса, мақсад Авазни
тутиб келмоқда бўлса, сизлар уч юз киши хонга арзга
борманглар, мана менинг топиб келган фикрим: икки
йигитни Авазнинг олдига юборинглар, «қизни бергил»
деб борсин. Магарчи ёмонлик билан олиб кетган Аваз
ул борган кишига яхшилик билан «мана қизларинг» деб
бериб юбормайди, ул борган кишига ҳам бир заҳмат
беради. Бундан кейин бермаса, хонга кўпчилик кириб
арз қилингллар,— деди. Агар уч юз (киши) хоннинг ол-

¹ Сиеҳ.

дига кириб:—Аваз ўғлигиз бизнинг бойимизнинг қизини олиб қочиб кетди,—деб айтсаларинг, унда хон айтар:—Эй баччағар, чакки қилибди. Бир кишини хон Авазга юборса, бергин қизини деса, отасининг сўзи учун бериб юборса, қўлларингга «мана қизларинг» деб олиб келиб тутқазиб қўяди. Қизларинг қўлларингга теккандан кейин бошқа гап ҳожат эмас. Авазхонни ҳеч нима қилолмайсизлар. Икки киши борган вақтда Гўрўғлихон «бор, фалончи қизни берсин» деб киши юборар бўлса айтасизларки, эй шаҳриёр, сизнинг юзингизга оёқ қўйиб келмайлик, қизни берсин деб Авазхонга киши юборган эдик, одамимизга ҳам Аваз шундай зарар етказибди—деб, қизнинг гуноҳидан бошқа яна бир гуноҳни Авазнинг устидан хонга кўрсатасизлар. Шунда Гўрўғлихон Авазнинг бир гуноҳини кечса ҳам, иккинчи қилган гуноҳини кечолмас. Ана унда Гўрўғли шояд ғазаб қилиб, сизларга Авазни тутиб берса,—деди. Бул ёш етимча оқсоқолнинг сўзи ул уч юз аризачиларга маъқул келди. Иккита почанг¹ йигитни топди. От, яроқ-асбобларни ростлаб берди. Сизлар ҳозирги вақтдан Чамбилга жўнанглар, биз ҳам эртаматаң уч юз киши жўнаймиз. Сизлар икки киши бориб Авазга учранглар, «қизни бергил» денглар. Агар қизни Аваз яхшиликча берса олиб қайтаверинглар, бизнинг йўлимиздан учрасанглар, биз ҳам бир сафарга хоннинг раъйи учун қайтгаймиз. Агар Аваз қизни сизларга бермаса сиртқи қала дарвозасидан бизга қараб туринглар, бизнинг билан бирга арзга киринглар,—деб икки кишини отлантириб, Чамбилга саҳар вақти жўнатди, эртаматаң бизлар ҳам жўнармиз, деб уч юз арзачилар ҳам тарқаб уй-уйига кетди. Ул икки йигит саҳар вақти от қўйганича Чамбил чўлида қистаб йўл босди, вақти пешинда Чамбилнинг сиртқи қаласига етиб келди. Дарвозалар очиқ эди. Бу иккаласи шаҳарга қараб қадам қўйди, шаҳар раста бозорларидан ўтиб, шаҳар ичида тим тагида кетиб борар эди, ногоҳ ул икки йигитнинг ёнбошидан бир дарчадан бир қиз чиқди. Ул туркманлик йигитлар бул қизга қаради. Ул қиз мисоли бели қилдай, товони пулдай, юзи қизил гулдай, оҳиста-оҳиста юриб, ковушнинг саҳат наҳали жангил-ла овоз бериб, кокили товонига уриб, рўмолни бетига пана қилиб ярмини кўрсатиб кулиб, кўчани қирғоқлаб ўтиб бораверди. Ул йигитларнинг икки кўзи шул қизда

¹ Чаққон.

бўлди. Қизнинг қуралайдай кўзига, гулдак юзига, ширин-шакар сўзига интизор бўлиб тўхтаб туриб қолди. Туркмандан борган икки йигит бир-бирига маслаҳат қилди. «От-анжом қилиб ҳар диёр — мамлакатга бордик, кўп бир жойларни кўрдик, қайси иқлимда шундай нозик қизни кўрдик? Шу қизнинг ҳусни жамолига қараганда нафаси қанақа экан. Нақлда бир сўз бор «карнайчидан бир пуф» деган. Индаса-индамаса бир гап қилиб кўрамизми?» — деди. Қиз кўчани қирғоқлаб ёнидан ўтиб бораётган эди, ногоҳ ул икки йигит қизга қараб бир сўз деди:

Доим қушни тоблаб солар миришқор,
Сайиснинг қўлига қўнади шунқор,

Дол бўйингга жоним бўлсин садаға,
Шунқорсифат, эй муштипар, туравор.
Мен айтайин сенга ҳарна сўзимни,
Қоматингдан, эй муштипар, туравор.

Уйлаб кўрсанг фони дунё омонат,
Қазо етган қулга даври қиёмат,
Отанг сайид, энанг қандай паризод,
Сен шекилли сулув туғмас одамзод.

Кўзларинг юлдуздек, ойдек қошинг,
Қандоқ тангрим севган қулдир йўлдошинг.
Мен сўрайман ғилмонсифат паризод,
Ака-уканг борми, айт, эмчакдошинг?

Содиқий юлдузча кўрдим кўзингни,
Хуршитобон кунча кўрдим юзингни,
Армон қолмас бир эшитсам сўзингни,
Одаммисан, паримисан, муштипар,
Наслинг кимдир, айтгин менга, ўзингни?

Бул йигитнинг сўзини эшитиб, қиз бир қулочча ўтиб рўмолини пана қилиб тўхтаб туриб қолди. Қиз йигитларга қараб бир сўз деди:

Умид билан сиздай беклар сўз қотди,
Жавоб бермай кетсам менга уятдир.

Узин билган банда ақли сойибди (р),
Номаҳрам, сўзласам наслим заипди (р),
Индасдан кетсам изо бўларсиз,
Жавоб бермай кетсам менга айбди (р).

...Қулоқ сонглар отда турган оғалар,
Аввал баён қилай туққан энамни.

Қулоқ солинг отда турган бегижон,
Қимки ўтмас бу дунёдан беармон,
Тувган энам сизга баён айласам,
Мени тувган энам оти Даллихон.

Ҳеч кимга йўқ ушбу дунё поёни,
Парранданинг йўқдир қўнар макони,
Дилимнинг қуввати, белим дармони,
Етти яшар укам оти Нурали.

Энди сўз айтайин турган оғалар,
Ўзим нозик ҳам муштипар безубон,
Қиблагоҳим отамнинг оти бол Аваз,
Тўққиз ёшда менинг отим Гулнор.

Бу сўзни икки йигит эшитиб қизга қараб бир сўз деди:

Овчилар эрчитар чўлга тозини,
Мерганлар отади кўлнинг ғозини,
Худо берди мақсадимнинг ўзини,
Отанг олиб келган бойнинг қизини.

Ниятимни тангрим айлади йўлдош,
Тураворгин, даста гулдай қаламқош,
Отанг олиб келган бойнинг қизини,
Бой қизига сени қилдик бошма-бош.

Улар воқиф бўлди қизнинг ҳолидан,
Ажаб дучор бўлди чиқди йўлидан,
Иккаласи икки ёқдан от қўйиб —
Беклар олиб кетди икки қўлидан.

Фарёд айлаб чиқди қизнинг товуши,
Кетмакка йўқ Гулнорнинг хоҳиши,
Дуря рўмол тушиб қолди бошидан,
Оёғидан тушди икки ковуши.

Ногоҳ бир ёш бола дарвозага суяниб бу қиз билан
йигитнинг сўзига томоша қилиб турган эди. Гулнорнинг
рўмол, ковуши тушиб қолди. Ул бола рўмолни қўлтиқ-
қа қистириб, икки ковушни икки кафтига қўйиб ул қиз
чиққан дарчага кириб кетди. Ул дарча Авазнинг ўрда-

сининг дарчаси эди. Бола ковушни кўтариб ул қўрғон ичига кириб борди. Авазхон қўрғон ўртасида тувахонадан отини олиб чиқиб, қўрғон ўртасида қумга отни орнатиб турган эди. Ул ёш бола ковушни кўтариб кириб бориб Авазга бир сўз деди:

Олдингда бор бойнинг қизи қаламқош,
Бой қизига бўлди қизинг бошма-бош.

Ҳеч кимнинг ёзмасин ҳаққа қилмиши,
Қиздан хотин олмоқ қулларнинг иши,
Туркман элидан отли келди икки киши,
Олиб кетди Гулнордай болангни,
Дуря рўмол, қолди икки ковуши.

Бул гўдак сўзини Аваз эшитди,
Турган ерда беҳуш бўлиб оҳ тортди,
Юган солиб яйдоқ минди Фиротди.

Қилич ушлаб яйдоқ миниб отига,
Икки йигит орқасидан йўл тортди.
Шаҳар ичра отни «чу» деб тезлатди,
Бошни қўйиб тезлаб чопди Фиротди.

Туркманлар дарвозага борганда,
Аваз отни тезлаб қувалаб етди.
Авазнинг шарпасин улар эшитди,
Гулнорни ташлаб иккови кетди.
Дарвозадан чиқиб кетди ташқари,
Иккаласи икки ёққа йўл тортди.
Аваз тушди бирин қувлаб кейнидан,
Аваз қувиб юрар йўлни узатди.

Ногоҳ қувиб етиб бориб орқадан
Қилич солиб чопиб уни сулатди.
Туркманнинг элчисин бирин ўлдириб,
Аваз даштдин қўрғон ичига қайтди.
Гулнорни олди от орқасига
Қизин олиб Аваз ўрдага етди.

Авазхон қизини ўрдага тушириб дилжам бўлди. Эндиги сўзни қочиб кетган йигитдан эшитинг. Аваздан қочиб чўлда борар эди, ногоҳ ул қочган йигитнинг йўлидан уч юз арзачи дучор бўлди. Ул уч юз арзачига Авазнинг қизини олиб қочганини, Аваз орқасидан етиб келиб унинг ҳамроҳини ўлдирганини, Чамбилда нима

иш қилса унинг ҳаммасини ул арзачига бир-бир баён қилди. Улуғлар: туркманнинг йўлига яна бир йигит тақдим бўлибди, деди. Ул қочиб борган йигитни ўзига ҳамроҳ қилиб уч юз арзачи Чамбилга қараб сафар қилди. Мана, намози аср вақтида Чамбилнинг сиртқи дарвозасига кирди, шаҳар ичига кириб қадам қўйди. Ярим кеча вақтда Гўрўғлининг хонаи — ўрдасига келди. Урдада чироқларни ўчириб барчалари уйқуга ётган эди. Ул саркардалар ўрданинг дарвозасини келиб қоқди. Дарвозабон Мансур туриб кўрдик бисёр оломонлар дарвоза қошида турибдур. Дарвозабонлар бу ҳолни кўриб, дам урмай ўрда ичида ётган Чаққонга хабар берди. Чаққон ҳам келиб дарвозанинг андозидан қаради, бисёр оломонлар турибдур. Бул ҳам дам урмай орқасига қайтиб кетди. Гўрўғли(нинг) олдига келди. Дарвозанинг қошида бисёр оломонлар турибдур — деб айтди. Гўрўғли айтди:— Эшикни очиб чиқиб анигини (бил) ким экан? (деди). Чаққон бу сўзни хондан эшитиб чиқиб борди. Дарвозани очиб кўрдик, туркман улуғларидир. Чаққон сўради:— Эй туркман улуғлари, нима ишларинг бор?— деди. Улар айтди:— Бизнинг хонга дейдиган сўзимиз бор,— деди. Чаққон ҳам индамай, орқасига қайтиб бориб Гўрўғлига шу сўзни хабар берди...— Сизнинг ўзингизга дейдиган сўзлари бор экан,— деди. Гўрўғли айтди:— Эй Чаққон, чиқиб чироқларни равшан қилгин, мен ҳам чиқарман,— деди. Чаққон чиқиб чироқларни равшан қилди. Ҳар қайси устал, гурзиларини ўз жойига саришта қилиб қўйди. Гўрўғли ўз тахтига чиқиб ўлтирди. Мансурга буюрди.— Эшикни очгил, ул улуғлар кирсин,— деди. Мансур дарвозани очиб равон қилди. Улуғларнинг кўзи Гўрўғлихонга тушди. Дарвоза остонасидан бошларини ерга қўйиб хонга салом қилди. Бошларини ердан кўтариб, уч-тўрт қадам босиб, яна бошларини саждага қўйиб таъзим қилди. Ҳар қадамда хонга шу хилда такаллуф билан борарди, тахт тагига етди. Тахт тагидан уч юз саркардалар бош кўтарди, салом қилиб бўйинларини солиб, қўл қовуштириб, дам урмай ерга қарашиб турди. Гўрўғлихон ҳеч кимдан бундай такаллуфни кўрмаган эди. Буларнинг қилган таъзимларига Гўрўғлининг аъзоси сувдай¹ тўкилди. «Бир қабоҳат иш бўлганга ўхшайди» — деб Гўрўғли ўйлади. Булар сўзламай таъзим билан турар эди. Хон айтди:— Эй улуғлар, юқорига

¹ Бадани титраб кетди.

чиқиб ўлтиринглар, ўлтириб сўзлашгаймиз. Бунда бу уч юз кишининг орасида бир киши бор эди. Ул кишининг номини Дониёр дер эди. Ул Дониёр қирқ минг уйлик туркманнинг сўзамол кишиси эди. Хон буларни ўлтиринглар дегандан кейин ул келган улуглар Дониёрга қаради. Дониёр айтди:— Эй султон, биз арзга келганмиз, токи бизнинг арзимизни бартараф қилмасангиз ўлтирмасмиз. Хон:— Нима арзларинг бор?— деди. Дониёр айтди:— Бизнинг туркман элат ичинда ҳурматли бойимиз тўй қилиб, юртимизнинг соҳиби деб сизни тўйга айтдик. Тўйга ўзингиз бормай қадр билмас қулваччаларингизни юборибсиз. Юборган болаларингиз улоқ-маърака ичинда бир неча йигитларни ноҳақ ўлдирди. Тўй қилган бойнинг қизини олиб қочиб келди, тўйни бузиб, туркман элининг обрўсини ерга тўкди. Арзимиз шулдирки, Авазни бизга боғлаб беринг, биз олиб бориб дорга осиб, тўй ўтгунча ўликни тагида улоқ чопгаймиз. Агар сизга Авазқул керак бўлса туркман элидан кечинг, яроқ-жабдуқ қилиб, сиз билан жанг қилгаймиз, ёки сизнинг қўлингизда ўламиз, ё сизни ўлдириб ҳукуматни қўлимизга оламиз. Сўз шулдирки, ё Аваздан кечинг, ё туркман элидан кечинг. Бул сўзни Дониёрдан эшитиб Гўрўғлининг бошига осмон тушиб кетгандай ғуссаи ғам босди. Гўрўғли кўзидан гуррон ёшни тўкиб, бошини ерга солиб туриб қолди. Орадан бир фурсат ўтгандан сўнгра бошини кўтариб туркманлик саркардаларга қараб бир сўз деди:

...Бир кунча бўлмади менга бу давлат,
Шоҳ, гадога бўлди ҳукмим адолат,
Ўттизимдан юртга қилдим ҳукумат,
Бошим ўтди ҳасрат билан бефарзанд.

Эсиз умрим ғафлат билан ўтдими,
Елғизликни пешонамга битдим,
Ўғил тугул қиз бермади худоим,
Пари олиб пуштим куйиб кетдими?

Бу дунёга қандай банда тўяди,
Улган куни хонинг тахтдан тояди,
Йиғлаб ўтди бошим менинг бефарзанд,
Худо мендан ўғил, қизни аяди.

Подшоман деб яхши либос киймадим,
Қуш кўтариб пўлат добил туймадим,

Не ёзибди яратганга қилмишим,
Тиззамга олиб бир фарзандни суймадим.

Овлаб ўтдим доим Ҳавдак кўлини,
Найза билан буздим душман элини,

Ҳар шаҳардан оп қочиб кеп, бу жойга,
Боқиб олдим кушандаминг улини.
Кундан-кунга умрим довондан ошар,
Мен ўлгунча боқма болларим шошар,
Ўлган куним танам қолар кўмилмай,
Меросхўрман деб дунёмни талашар...

Менда йўқдир ўғил, ини, қариндош,
Бир жонкуяр қариндош йўқдир менда.
Чамбил элда ўлсам, босган изим йўқ,
Қирқ йигитга чўлан бердим, тузим йўқ,
Қазом етиб ўлиб кетсам ногаҳон,
Йиглайдиган менинг сингил, қизим йўқ.

Бандаман, ўйладим танда миним йўқ,
Юрт кўрийман дедим, менда тиним йўқ,
Қазом етиб ўлар вақтда бошимни —
Ўшлаб турғич бир жонкуяр иним йўқ.

Аваздан ортиқча кўрган қулим йўқ,
Қазом етиб ўлиб кетсам Чамбилда
Елғиз қулман, ўрним босар улим йўқ...
Ажал жоним олар бағримни доғлаб,
Қим отамлаб борар бошимда йиглаб?..

Одам дарахт, фарзанд экан меваси,
Қазом етиб ўлиб кетсам Чамбилда,
Қим бўлади Чамбил-Туркман эгаси?

Майдонда панд берар отнинг майиби,
Хонинг ўлса Аваз эди нойиби,
Мен ўлганда қадрим ўтар сизларга,
Ҳеч эр чиқиб бўлмас элнинг сойиби.

Учарда кўноқда қушлар таранар,
Қиз вояга етганида сийланар,
Мен ўлганда қадрим ўтар сизларга,
Чамбил, туркман қизил бошга таланар.

Қасд этиб сиз келибсиз Аваз қўзимга,
Оёқ босиб келдингизлар юзимга,
Отам деб ўн бир йил қилди хизматни,
Розиман ўн бир йил берган тузимга.

Отам деб ўн бир йил қилди хизмат,
Уйланиб ортқизди икки фарзанд,
Чамбилда йўқ Авазга хиштию, жаҳот¹
Боласин топширсин кишига омонат.

Қуйига учар бемор банда юлдузи,
Нурдан айрилади мурданинг юзи,
Олиб кетсанг ногоҳ Аваз боламни,
Мен бўлайин берган тузимга рози.

Тўққиз кун қўйинглар Авазга муҳлат,
Эшитингиз туркман эллик бадавлат,
Тўққиз кун саноқли ўтсин орадин,
Авазга буюринг кечаси жаллот.

Улмагунча битмас банда ҳасрати,
Қундан-кунга ошар ғаму меҳнати,
Бердим сизга бол Аваздай боламни,
Туркманликнинг қони-жонин ҳурмати,—

деб бийларга Гўрўғли Авазни тақдим этди. «Хукмқаш-га буюриб олиб кетгаймиз» деб бийлар хоннинг ҳақиға дуо қилиб, тўққиз кундан сўнгра Авазни кечаси киши буюриб тутиб, дорга осиб ўлдириб, тагида улоқ чопгаймиз, деб бийлар чиқиб кетди. Ғуссаи ғам Чаққоннинг бошига етди. Чамбил элда Авазни Гўрўғли туркман элига кечиб берган эмиш, Авазни туркман эллар тутиб олиб дорга осиб ўлдирар эмиш, деб Чамбил элда гап тарқади. Бу сўзни эшитмаган киши қолмади. Чамбил халқи барчаси Авазни дўст тутар эди. Аваз билан кимки суҳбат қилар эди, ушбу сўзни билар эди. Аммо яхши кўрган кишига ёмон сўзни айтиб кўнглини ғаш қилишнинг фойдаси йўқ деб, Авазга айтмас эди. Авазхоннинг Оқчиш бойнинг қизини олиб келганига орадан йигирма беш кун ўтди. Йигирма беш кундан бери Даллихоннинг тўшагига кирмай, бойнинг қизи билан ётар эди. Гўрўғлининг туркманга берган ваъдасига саккиз кун ўтди. Намози аср вақти бўлганида Аваз Даллихонга боқиб айтди.

¹ Қариндош-уруғ маъносида.

— Енинга ўрин солгин, мен икки боламини шу бугун дийдорига тўйиб ётай, ажаб кўнглим паришондир, билмасманки нима бўлгай. Икки боламининг меҳри ҳар кунгидан бугун кўнглимга ўзгача кўриниб боради,— деди.

Ул кун кечаси Даллихоннинг тўшагига кириб ётди. Икки боласини қўйнига олиб ётган эди, Чаққонбек хон ўрдасида тун ярим кечаси ўрнидан туриб, ўрда дарвозасига келди.

— Эй дарвозабон, дарвозани очгин, шаҳар ичига борурман, менинг шаҳарга чиққанганимни ҳеч кимга айтма. Чиқиб шаҳарга қараб равона бўлди. Шаҳар оралаб Авазнинг ҳовлисига етди. «Авазга хабар берай, агар туркманликлар Авазни тутиб кетиб ўлдирса, бу сирни мен Авазга айтмасам дўстлигимнинг ҳеч поёни йўқдир. Бориб айтай, хоҳ бир тарафга кетсин, хоҳ кетмасин. Нима бўлса ўз уволи ўзига» деб, Авазни қўрғонининг ичига девордан ошиб тушди. Ётган уйини дарчасининг тагига бориб Авазни чақириб бир сўз деди:

Саккиз кун йўлингга боқдим ёлбориб,
Юзинг кўриб муҳтож бўлдим сарғайиб,
Ғафлатда ётган бўлсанг, бол Аваз
Тур уйқудан Аваз, бошинг кўтариб.

Бу дўнёда омонатдир танда жон,
Ёлғиз қулга тангрим бўлар меҳрибон,
Дарвозангга келдим сени ахтариб,
Ғафлатда ётган дўстим, бормисан?

Туркман элдан оп кепсан бир паризод,
Отангга арз қилди туркманлик элат,
Сендан кечди Гўрўғлидай бефарзанд,
Тўққиз кунга берди жоннингга муҳлат.

Ўғилман деб қилдинг, султонга хизмат,
Сен ўлганда мен Чаққонга қиёмат,
Тур ўрнингдан, бош кўтаргин, бол Аваз,
Хабар бердим, бўл ўзингга эҳтиёт.

Ғафлатдан очгин, дўстим кўзингни,
Қўлинг боғлаб сарғайтмасин юзингни,
Туркман элдан тутмоққа келса жаллод,
Ухлаб қолмай, эҳтиёт қил ўзингни.

Бу сўзни Чаққондан Аваз эшитиб, ётган жойидан турди. Даричанинг остига келиб, эшикни очмай Аваз Чаққонга қараб бир сўз деди:

Ол-ол бўлсин, бугун сенга ол бўлсин,
Тикон деб тутганинг тоза гул бўлсин,
Бемаҳалда келмас эдинг бу жойга,
Нега келдинг, Чаққон, сенга йўл бўлсин?

Жанг ваҳмин солди товшинг дилимга,
Ҳиммат камарини боғлай белимга,
Нега келдинг бемаҳалда Чаққонбек,
Ев келдими Така-Евмит элимга?

Жанг ишига қилсам дилдан хоҳишни,
Отга миниб солай белга қилични,
Ев келдими менинг Чамбил элимга,
Душман келса чиқиб қилсам урушни?!

Бу сўзни эшитиб Чаққонбек Авазга бир сўз деди:

Урдаклар қутулмас сайис қушидан,
Ёмон одам қайтмас қилар ишидан,
Ўз жонингнинг ваҳмин қилгин бол Аваз,
Чамбил қолсин хумса хоннинг бошидан.

Ким раҳм этар йиғласанг кўз ёшингга,
Арзим айтиб келдим, дўстим, қошингга,
Отанг кечган сендан, билгин бол Аваз,
Букун жаллод келар сенинг бошингга.

Душман келар, очгин дўстим кўзингни,
Ҳализамон келар туркмандан жаллод,
Бир тарафга олгин, дўстим ўзингни.

Шунда Аваз Чаққонга бир сўз деди:

Эрисин, тоғларнинг қори эрисин,
Ҳар банда олгани билан қарисин,
Ҳар ким бўлсин ўз элининг гадойи,
Мусофирни кўрган куни қурисин.

Иддарида¹ мендай Аваз ўлмади,
Кўп жон уздим, ўгайлар ўз бўлмади,

¹ Гўдаклик.

Үн бир йил хонга қилдим хизматни,
Қадр топиб қуллик отим қолмади.

Қувонибон миндим деб яхши буроқ,
Кетай десам отамнинг юрти йироқ,
Кенг Чамбилда даври-даврон сурганча.
Ўз элимда пода боқсам яхшироқ.

Юрагимда бор аламнинг яраси,
Менга ўз бўлмади Чамбил тўраси,
Кетар бўлсам отам юрти Гуржистон,
Уч ойчалик отам юртин ораси.

Отам деб ўн бир йил бердим саломни,
Чамбил элда тортдим жабру аламни,
Уч ойчалик Хунхор элнинг ораси,
Мен ҳам кўргим келар ота-онамни.

Болларимдан узолмасман кўзимни,
Елғиз жоним асраб кетар ўзимни,
Бошим олиб кетсам шаҳри Хунхорга,
Қимга ташлай ғариб икки кўзимни?

Соғинсам оғзимга сизмас тилларим,
Мен булбулман, икки болам гулларим,
Ўзим кетсам бошим олиб Хунхорга
Қайда қолар икки ғариб болларим?

Аваздан бу сўзни эшитиб Чаққон бир сўз деди:

...Ўз жонингни эҳтиёт қил бол Аваз,
Болларингни мен Чаққонга ишонгин.

Ҳар намозда дуо қил умрин тилаб,
Мен ўлмасам қолмас кўчада йиғлаб,
Қунда аҳвол олай ҳолини сўраб,
Тарбия қиларман бошини силаб.

Ҳардамда боланг умрин тиларсан,
Ўлиб кетсанг маҳшар гоҳда биларсан,
Ўлмасанг айланиб бир кун келарсан,—

деб Чаққон бу сўзни айтди. Авазхон Чаққонга қараб
бир сўз деди:

...Гул новдадек эгилмасин белларим,
Болларим деб вайрон бўлар дилларим...

Етимликка лойиқ эмас болларим.
Айтганим шул, кетганимни билмасин,
Хўрлик тортиб кўзга ёшин олмасин,
Сарсон бўлиб кўчаларда қолмасин.

Хор бўлиб ёш олмасин кўзига,
Етимликни билдирмагин ўзига,
Ҳарна деса киргин айтган сўзига,
Аччиғланиб қарамагин юзига.

Чаққонбекка айтди сўзнинг поёни,
Ул аросат бўлди Аваз ватани,
Аваз билан Чаққонбекнинг товшига,
Уйқусидан бедор бўлди Нурали.

Ота, йўл бўлсин, деб кўзин ёшлади,
Отасининг олдига ўзин ташлади,
Йиғлаб келиб туриб ўғли Нурали,
Бол Авазнинг оёғидан ушлади.

Йиғлаб ёшга тўлди Авазнинг кўзи,
Заъфарондек бўлди қизарган юзи,
Уйқудан уйғониб туриб ўрнидан,
Иягидан ушлади Гулнор қизи.

Тез бўлинг деб қистар эшикда Чаққон,
Болларига пармон¹ бўлди Авазхон,
Учоққа ўт ёқиб, тўшакни солиб,
Чироқ ёқиб равшан қилди Даллихон.

Аваз ўлтирди ўчоқнинг юзига,
Икки боласин олди тизига,
Икки боласини бошини силаб,
Йиғлар эди ёш тўлдириб кўзига.

Болаларини тизига олиб ўлтириб, Авазхон болаларига қараб бир сўз деди:

Иккаланг вужудга келдинг танамдан,
Узим ўлмай қутулмасман аламдан,
Менинг куним мерос бўлди сизларга,
Тўрт ёшда айрилдим ота-энамдан.

¹ Парвона.

Сиздан ҳаргиз жудо бўлмас дилларим,
Мен булбулдек, сизлар тоза гулларим,
Бугун сиздан жудо бўлдим, хуш қолинг,
Кўрарманми ё кўрмасман, болларим.

Менга бўлди қиёмат охир замон,
Менинг учун сизларга соҳиб Чаққон,
Рози бўлинг чала тақдир, Даллихон,
Кўп йилатмай юпатиб ол болангни,
Кетар бўлдим, отам юрти Гуржистон.

Қалам қилиб ўйнатарман тилларни,
Қуён бўлиб кезай қумли чўлларни,
То кўргунча омон бўлинг, хуш қолинг.

Бу сўзни Аваздан эшитиб, Даллихон Авазга қараб
бир сўз деди:

Ота-она булбул, бола гулмиди,
Етимларнинг кўзин ёши кўлмиди,
Шу чоққача умр қилиб бир жойда,
Охир сендан кўрган умид шулмиди?

Энди кўргинг кепти ота-энангни,
Шул умидда қўшганмидинг танангни,
Мен ҳам бўлса бир кунимни кўрарман,
Олиб кетгин ғариб икки болангни!

Менинг шаҳрим олтойлик Қаркистонда,
Сенинг юртинг уч ойлик Гуржистонда.
Чамбилда йўқ қариндош сенда, менда,
Етимларнинг қилар мени шарманда.

Еш ўрнида тўкса кўздин қонини,
Ўз ҳолига қўймас Далли жонини,
Отасидан тирик айрилган етим деб,
Қимки берса муштлаб берар нонини.

Ғамда қўйма мен Даллини бошини,
Етим доим тўкар кўздан ёшини,
Қўлдан илож келмас хотин кишини,
Душманларинг силкиб берар ошини.

Далли қилди йиғлаб оҳу фарёдни,
Кокилларин дол-дол қилиб тарқатди,

Энди сендан тирик жудо бўлдим, деб
Уй ичинда қилди оху фарёдни.

Охир Далли йиғлаб-йиғлаб бу жойда,
Сабр тилаб Далли ўзин тўхтатди,
Отанг билан буванг овга борар деб.
Ов қилиб уч кунда қайтиб келар деб,
Болларини Далли алдаб юпатди.

Йиғлаб чиқди Чаққонбекнинг қошига,
Ёқаси ҳўл бўлиб кўзин ёшига,
Аваз билан Далли чиқиб эшикка,
Қўлин етказди Чаққон бошига.

Чаққон йиғлаб икки кўзин шоширди,
Далли чиқиб Чаққонбекка бош урди,
Аваз Чаққон олдига чиқиб,
Боллариман Даллихонни топширди.

Улим келди бол Авазнинг уйига,
Қувонарди икки боласин бўйига,
Аваз билан Чаққон кетмоқчи бўлиб,
Далли қайтиб кирди ўзин уйига.

Далли йиғлаб қилди оху фарёдди (ни),
Дарвозанинг зулфинин бориб бўшатди,
Чаққон билан бол Авазга хушлашиб
Шаҳар ичра иккаласин жўнатди.

Дарвозани қайтиб Далли бекитди,
Уйга кирди ўз тўшагида ётди,
Фарзандларин маҳкам босиб бағрига,
Пинҳон йиғлади, мотам тутибди.

Ёстиғи ҳўл бўлди, кўзин ёшига,
Тўшакни чулғаб йиғлади бошига,
Чаққон билан Аваз кетди шаҳарга
Етиб борди мирохўрнинг қошига.

Ана энди Чаққон билан Аваз мирохўрнинг қошига етиб
борди. Мирохўрбошига айтди:— Эй бобо, мен Чамбил-
да турмас бўлдим, Гўрўғлининг юзини кўрмас бўлдим,
Чамбилни унутар бўлдим, Хунхор кетар бўлдим. Менга
бир от бергин,— деди. Ул вақти бобо айтди:
— Сенга от бермасман, агар сенга от берсам тонг.

ла эрта билан Гўрўглихон мени ўлдирар. Авазхон айтди:

— Эй бобо, мен тўрт ёшимда Чамбилга келиб тожи либосни бошимга кийдим. Гўрўгли давлатида мендан ортиқ киши бўлмади. Мана кўрдингми, бир туркман қизни юзи хотирича юзим бўлмади. Бу Гўрўгли хумса, хотини туғмас тумса, қилган меҳнатим қадрини билмади. Мен нима бўлдим, сен нима бўлар эдинг. Мендан неча йил илгари келиб орттирган амалинг мирохўрчилик экан. Қимики бу Гўрўглига хизмат қилса охирда хордир. Менга бир отни, ўзингга бир отни эгарлагин, иккаламиз бирга кетайлик. Менинг отам юрти Гуржистондир, биримиз ўлсак биримиз дафнпўш бўлармиз,— деб чолни Аваз сурпта қилди. Ул вақти мирохўр:— Рост айтасан. Бу Гўрўгли хумса кимни яхши қилдики, мени нима қилар эди, деб ўрнидан туриб, Ғиротни эгарламакка борди. Аваз айтди:— Эй бобо, ул отни эгарламагин, бу отни миниб кетсам Гўрўглига от ўғриси бўларман. Ҳар тараф дўст-душманлар таъна қилар. Гўрўгли аҳмоқ бир қизилбош боласини тарбият қилиб боқиб эди, Гўрўглининг Ғиротини миниб, қанотқуйруғини синдириб қочиб кетди дер, Гўрўгли ҳам ачиниб қолар, нима қилай, бу ерда икки болам қоляпти, ўлмасам келишга умидим бордир. Ҳар нима бўлса ҳам бошқа от эгарлагин,— деди. Бобо Соқи Ғиротни қўйиб Мажнун кўкни эгарлади, сар саманни ўзига эгарлади. Чаққон мирохўрга мингашди. Мажнун кўкни Аваз минди. Сайисхонадан чиқиб жўнайверди. Саҳар вақти сиртқи дарвозага борди. Чаққон дарвозадан буларни чиқариб, Соқи билан Авазни хушлашиб жўнатди. Чаққон дарвозабонга айтди:

— Ҳаргиз бу сирни кишига ошкора қилмагин, агар бировга айтсанг ўлдираман,— деб дарвозабонни пишиқлаб Чаққон ўрдага қараб қайтди. Тонг отар вақти ўрдага келиб ётди. Авазни жўнатиб Чаққон дилжам бўлди. Энди Чаққонни бу хотиржамликда қўйинг, Соқи мирохўр билан Авазнинг йўлда боришини гапирайлик.

Қала шаҳри дарвозасидан чиқиб бобо Соқи билан Аваз ўн кечалаб қистаб, қамчилаб йўл босди. Пешин вақтида Асқар тоғига етди. Асқар тоққа чиққанда бир тарафдин туркманнинг ўтови кўринди, бир тарафда Бадбахт тоғи ҳам кўринди. Аваз айтди:— Эй бобо, ана кўринган Бадбахтнинг тоғи, сиз доvon бошига чиқиб тўхтаб туринг. Бугун кечқурун бўлса тўққизи ўтса

отамнинг туркманга берган ваъда куни битар экан. Туркманлар мени тепамга киши буюрса, кечаси болачақамни есир қилиб юрмасин, бориб туркманнинг ўтовини оралаб, ўзимнинг Хунхор кетганимни билдириб кетай. Улмасам эртага сизга етиб бораман,— деб бобони Бадбахт тоғига қараб жўнатди. Аваз туркман ўтовига қараб жўнади. Ёйилган қўйдек жимиллаб ётган ўтовнинг орасига Аваз оралаб бораверди. Узининг Хунхор кетаётганидан хабар бериб, ўтовни оралаб бораётиб, Аваз бир сўз деди:

Шамолда чанғийди қумларнинг чўли,
Эшитинглар, аё туркманнинг эли,
Отим Аваз, мени танинг туркманлар,
Мени сизга кечиб берди Гўрўғли.

Қиличимнинг тиғи тўсай сипарга,
Кўп қирғинлар солай, туркман, сизларга,
Гўрўғлига бўлди бошим бадкарда,
Бугун қочиб кетар бўлдим Хунхорга.

Отим Аваз, мендай адашган банда,
Қизинг олиб бўлди бошим шарманда,
Манман деган ботирларинг боравер,
Уруш қилсанг тўхтаб турай Балқонда.

Белга боғлаб ҳам айили қилични,
Қалма очар қулфин саккиз биҳишни,
Туркман элда ботир бўлсанг боравер,
Аваз қочди, қилиб қонглар урушни.

Яроқсизлар қилар жанги талатўп,
Ҳарна деган сўзим халққа бўлди эп,
Туркман элда манман деган ботирлар,
Таъна қилманг, Аваз қочиб кетди деб.

Аваз қилди эл ичида товушди (ни),
Элдан чиқиб дала йўлига тушди,
Қилич, калтак кўтарган оломондан,
Отли, яёв шовқин бериб эргашди.

Аваз кўрди оломоннинг ишини,
Афсус қилиб тўкди кўздан ёшини,
Ғазабланиб қиличини суғуриб,
Тўпга қараб бурди отнинг бошини.

От терласа кўпигини чочади,
Тўпга қараб от лочиндай учади,
Оломонлар кўриб Аваз қаҳрини,
Бир-бирига қарамасдан қочади.

Чанги туман қилди туркман чўлига,
Қилич олиб халқни қувди кўлига,
Орқасидан ҳой-ҳой деди, қийқириб,
Туркман элни қувиб келди элига.

Туркман ичи бўлди шўриш аросат,
Чин ажалдай қувиб келди Аваз мард,
Бирор кишин зарар бермай, ўлдирмай,
Улуғлик шаънига қилди сиёсат.

Оломонни қувиб келиб тўхтатди,
Аваз отни бурди, далага кетди,
Бир кечаю кундуз орадан ўтди,
Икки кеча-кундуз тоққа тармашиб,
Уч кунда Соқи бобога етди.

Етиб борди мирохўрнинг қошига,
Ғам меҳнати тушди Аваз бошига,
Чамбил элни қалалари кўринди,
Еқаси ҳўл бўлди кўзин ёшига.

Бўйинини тўлғайди ҳар ёққа бураб,
Афсус айлар узангисини тираб,
Хунхор йўлин назар қилди зиҳн қўйиб,
Тумандай кўринди Хунхор ярқираб.

Кўздан ёши мунчоқдай бўп тизлади,
Бўтадан айрилган нордай бўзлади,
На Хунхорга, на Чамбилга қайтолмай,
Бобосига бир сўзни деб сўзлади.

Шунда бобо Соқига қараб Аваз бир сўз деди:

Қанотимдан қарчигайдай қайрилдим,
Қадам босган оёғимдан тайрилдим,
На Хунхорга, на Чамбилга боролмай —
На қилурман, болларимдан айрилдим?

Умид узсам, ўлар бўлсам ўзимдан,
Доим ёшим тинмай оқар юзимдан,

Нечук юрарман Хунхорнинг элинда,
Тирик жудо бўлдим икки кўзимдан?

Хеч ким менча тортмас дарду аламни,
Пешонамга ёздимикан қаламни,
Бориб кўрсам шаҳри Хунхор элига,
Кўрарманми отам билан энамни?

Чамбил элда йиғлаб қолди Даллихон,
Икки фарзандимни ташлаб бу жойга,
Қандай юрай юзин кўрмай бобожон?—

деб Аваз бу сўзни айтди. Бобо Соқи Авазга қараб бир сўз айтди:

...Кўп йиғлама, юра бергин фарзандим,
Ўлмасак айланиб бир кун келамиз.

Кўп йиғлама, кўнглим бузиб, зор-зор,
Ота-эна бир шунчаки сабабкор,
Отадин айрилиб ўлган қайда бор,
Яратгич етим ризқини берар.

Бобоси сўзлади, кўзин ёшлади,
Бол Авазнинг тизгинларин ушлади,
Энди ҳарна бўлса бўлди, юргил деб,
Тоғдан тушиб Гуржистонга бошлади.

Пастга тушиб борар отлари тойиб,
Икки болам Чамбил элда қолди деб,
Аваз борар орқасига қийшайиб.

Авазнинг кўзидан ёши чизилди,
Кўп ўйлади, Аваз кўнгли бузилди,
Пастга тушди, Чамбил қолди кўринмай,
Оҳ тортиб чин умиди узилди.

Ақлини топган банда доноди (р),
Оқил бўлмоқ оқ сут берган онади (р),
Бобо билан Аваз энди от тезлаб,
Тоғдан тушиб Хунхор қараб жўнади.

Тепинишар узангига даф бериб,
Селпиб отнинг соврига қамчи уриб,
От нихтайди сувлиғини кемириб,

Қорақумдан чоғиб борар бедовлар,
Тулки сифат қулоғини жимириб.

Тезроқ чопса оғзини шердай очади,
Сувлиқ чайнаб нордай кўпик чочади.
Қорақумни туман қилиб чангитиб,
Лочин қувган қуёндай бўп учади.

Отни қистаб, селпиб қамчи тортади,
Тиззасидан Қорақумга ботади,
Ер бағирлаб назаркарда бедовлар,
Қаптар қувган қарчиғайдай кетади.

Тосқоқдай¹ терлари музлаб қолади,
Мисли тосқоғини ўқдай отади,
Қумда қистаб чопса бошини қўйиб,
Чанглари қуюндай кунни тутади...

Тоғда битар булут билан туронғи²,
Аваз қийган совут энгил фаранги,
Отни қистаб бобосиман йўл босди,
Кундузи ҳам кечаси қоронғи.

Аямайди сафар қилганда отди (ни),
Сувсиз қўлда тинмай отни ўйнатди,
Ўн тўрт кеча, ўн тўрт кундуз йўл босиб,
Уч ойлик Хунхорга чошгоҳда етди.

Чанглар туман бўлди Хунхор дашига,
Қизил туман тушди Хунхор бошига,
Бобо билан Аваз борди от буриб,
Дарвозабон қўрбошининг қошига.

Аваз билан бобо отни тўхтатди,
Йўл азобин кўп босдик деб оҳ тортди,
Дарвозабон кўрди булар бегона,
Дарвозабон дарвозани бекитди.

Аваз кўрдик дарвозабон дарвозани тортиб беркитиб
қўйди. Айтди:— Эй дарвозабон миршаб, эшикни очгин,
биз шаҳарга киргаймиз,— деди. Дарвозабон айтди:

¹ Югурганда отнинг оёғидан чиққан лой.

² Тоғлардаги тўқайларда битган, одам ўтолмайдиган бўлиб,
офтоб туширмай ётган ёғоч, дарахт.

— Енингда ёрлиғинг борми?

Аваз айтди:

— Йўқ!

Дарвозабон:— Ёрлиғи йўқ кишига йўл бермасман,— деди.

Аваз айтди:— Мен савдогардирман, ушбу ердан ўтганимга етти йил бўлди. Узим кўхистонликдирман. Чин шаҳрига савдога борган эдим. Утарда подшоҳи Хунхордин ёрлиқнома қилдириб кетиб эдим. Мусофир юртида кўп юриб, подшонинг берган ёрлиғи тўзиб йўқ бўлиб кетди. Подшонинг ўз ҳузурига киргайман, етти йилдан бери берадиган хирож, бож-қарзим гардананда бордир. Подшонинг олдига кириб ҳисобот қилурман, етти йилги бож-хирож қарзимни бериб, подшодан кутилиб, бошқа ёрлиқнома қилдириб олиб кетарман. Шу менинг арзимни подшога хабар бергил. Агар подшо «кирсин» деса кирарман, бўлмаса келган йўлимга қайтиб кетарман,— деди. Подшоҳи Хунхорга ул дарвозабон савдогарнинг деган сўзини хабар бергин деб бир кишини юборди. Подшоҳи Хунхор ҳузурига бориб ул соҳид¹ хабар берди. Хунхор бу сўзни эшитиб завқ қилди:

— Қандай савдогар эканки, етти йилдан берисига берадиган бож—қарзини ўз гарданига олиб «бериб кетай» деб келибди. Эй вазир Абдулла, билгинки, ҳар кимики бўлса шул савдогар одамнинг яхшиси экан, подшонинг ҳақиға хиёнат қилмай божини бериб кетай дебди. Сиз бир-икки яхши мирзаларни олиб чиқиб ул савдогарнинг ҳисобини олинг, ўз иқрорига қўйинг, ни-маики берганини иқрор бўлиб олинг. Қўлга олиб туриб нисбини ўз йўл харжига қайтиб беринг, ёрлиғини яхшилаб қилиб беринг. Бундан бошқа жойларга борса ҳам ул савдогардан биров бож-хирож олмасин,— деб Абдулла вазирни бир-икки мирзалари билан юборди. Абдулла чиқиб келди. Чиқиб келиб кўрдикки, бир ажаб савдогар йигитдир, юзи (худди) хуршиди офтобга ўхшар, қошлари мисли ойга ўхшар. Устига хилъат зарраи совутлар кийган, белида қилич, ҳамойил сурати подшога ўхшайди. Ун тўртдан ўн бешга ёши етган, ҳусни боби таъриф қилмоққа тил, ожиз бўлур, бир пир киши ёнида турибди. Ул ҳам бир отнинг устида. Абдулла кўриб, Авазнинг юзига боқиб тахмин қилди. Вазир айтди:

¹ Хат хабарчиси.

— Бу савдогарнинг ҳисобини подшонинг ўзи олмоғи хўброқдир,— деди. Абдулла вазир Авазга ҳеч нима демай, бошқа ишда юрган кишидай бўлиб бўлак дарвозадан кириб кетди. Хунхор шоҳнинг олдига кириб айтди:— Эй шоҳи Хунхор, ул савдогар, бир хушрўй йигитдур, ҳусн бобида дунёда якка-ягонадир, таъриф қилмоққа тил ҳам ожизлик қилур. Агар Булдуриқнинг ўгли Аваз бўлса бунинг соясига боролмас эдим, ул савдогар билан ҳисоб қилмадим. Агар жўнатиб юборсам кетгандан сўнгра бир кун сизга унинг сифатини таъриф қилсам — нимага шу онда айтмадинг деб мени ғазаб қиласиз. Шунинг учун ҳисоб қилмай қайтиб келдим. Сиз соҳиби ихтиёрсиз. У савдогарни ўз ҳузурингизга олиб келиб ҳисобни ўзингиз қилганингиз хўброқдир. Бу сўзни Абдуллодан Хунхоршоҳ эшитиб ўрнидан бир қадам сачраб учиб жойига тўхтади. Авазнинг дарагини эшитгани учун ичида «магар Аваз бўлмагай» деб ўйлади. Абдуллога амр қилди:— Эй Абдулло, ўрта бозор катта кўчасини то Урданинг пойостонасигача, шаҳарнинг сиртқи дарвозасигача кўчаларга сув қуйиб ювдиринглар, шаҳарни атлас-бахмаллар билан безаб, кўчаларга зийнат беринглар. Яхши зийнат бериб, ойнадек қилиб, савдогарни шаҳарга олиб кирилсин. Дарвозабон тунқаторларга хабар берилсин. Подшолар ҳар қайси ўз қавмлари билан кўчаларга, томошага чиқсин. Ҳар бир амалдорлар иззат, яхши хуштакаллуфлар билан ҳар қайси тунқатор ўз чегараларидан бир-бирларига узатиб қўйсинлар.

Ҳой Абдулло, сен олдига тушиб ул савдогарни менинг олдимга олиб киргин, кўрайчи ким экан? Абдулло шаҳарга эълон қилди. Шаҳарни ясаб ойнадек қилдирди. Абдулло чиқиб ул савдогар билан кўришди. Эй савдогар йигит, шаҳарга юринг,— деб бошлаб дарвозадан кирди. Қанча мулозимлар отни пиёдалатиб орқа-олдиларида келарди. Ҳар тунқатор ўз чегарасидан кузатиб-кузатиб қайтди. Олти кечаю кундуз шаҳарни томоша қилди. Ҳар бир обод жойларга тушириб, қўндириб олти кун бўлганда Хунхорнинг сиртқи боргоҳсига келди. Хунхорнинг ўтирган жойига уч пойостонадан ўтиб етарди. Пойостонадан ташқарига ҳар боргоҳда тўрт юз элликдан тождор амалдорлар ўлтирар эди. Сиртқи боргоҳ пойостонасига келиб Аваз тўхтаб қолди. Абдулло:— Мен кириб подшоҳга хабар берай,— деб кириб кетди.

Абдулло подшога кириб айтди:— Эй подшоҳи Хун-

хор, савдогар келди, учинчи сиртқи пойостонада тўхтаб, туриб қолди. Сиздан ижозат бўлса кирар экан. Хунхор хурсанд бўлди. Ичида айтди:— Ҳар кимки бўлса улуғ таълимини билган киши экан, кирсин,— деди. Боз Абдулло чиқиб кетди. Авазнинг олдига чиқиб:— Эй савдогар йигит, юргил,— деди. Бобо билан иккаласи боргоҳга қадам қўйди. Абдулло ул боргоҳ ичида ўтирган тўрт юз эллик дангалнишин¹ амалдорларга туринглар деб ишорат қилди. Булар ҳам подшонинг раъяси деб устўлларида туриб турди. Ул боргоҳдан ўтиб, иккинчи пойостонага етиб Аваз тўхтади. Подшодан сўраб кирай деб Абдулло тагин Хунхорнинг олдига кириб хабар берди.— Иккинчи пойостонага келиб ул савдогар тўхтаб турибди,— деди. Хунхор:— Олиб киринглар, ичкариги пойостонанинг пардасини кўтариб қўйинглар,— деди. Абдулло чиқиб Авазни юр,— деди. Иккинчи пойостонадан Аваз чиқиб қадам босди. Хунхорнинг пойостонасига келиб тўхтади. Остонага бошини қўйиб, подшонинг ҳақиға дуо қилиб туриб қолди. Ул остонадан бошини кўтариб, қўл очиб подшонинг ҳақиға дуо қилиб тўхтаб турди. Подшо ҳам бошини ҳам қилиб қимирлатиб қўйди. Кирсин,— деб яна изҳор қилди. Аваз бобо Соқини «сен тўхта» деб ишора қилди. Остона ташқарисида бобо тўхтаб қолди. Аваз боргоҳнинг ичига қадам қўйди. Завқ билан юриб боргоҳнинг ўрта устунни тагига бориб, бошини яна ерга қилиб подшога таъзим қилиб турди. Подшоҳи Хунхор то. Аваз остонадин тушиб боргоҳнинг ўрта устунни тагига келгунча назар солиб, Авазнинг оёғидан бошигача қараб, Аваз эканини таниди. Тахт устидан тушиб Авазга қараб қадам босди. Подшоҳнинг ўнги-сўнгида ўтирган вазир, тождор, тўрт юз эллик амалдор мироспўшлар, ҳаммалари ўрнидан турди. У подшо Авазга қараб юриб бораверди. Абдулло хабар қилди.— Эй савдогар йигит, бошингни кўтаргил, подшоҳи Хунхор етди,— деди. Аваз сажда қилиб турган еридан бошини кўтариб Хунхорга кўзи тушди. Яна таъзим қилиб бориб подшоҳи Хунхорнинг оёғига юзини қўйиб йиғлаб турди. Хунхор:— Тургин бўтам,— деб қўлидан ушлаб Авазни турғизди. Қучоғига олиб қаттиқ кўришди. Авазнинг қўлидан тутганича тахтга қараб олиб борди. Подшо ўзининг ўлтирган тахтига Авазни олиб бориб ўтқазди. Бир кичйкроқ тахт олдириб келиб Авазнинг рўбарўсига

¹ Стулларда ўлтирганлар.

қўйиб Хунхоршоҳ ҳам ўлтирди. Турган тўрт юз эллик амалдорлар рашк қилиб, подшодан ғийбат қилар эди.

Ўнгу сўлидан гулгула кўпайди. Айтар эдики: Подшонинг ақли бошидан кетдими ёки ажали етдими, бу нима ҳолдир? Бир йўловчига бунча илтифотнинг нима дарқори бор. Қанча хизматлар қилиб, бу ерда ўтирган кишилар подшога писанд бўлмай, ўз ўрнига бир бегона кишини ўтқазиб ўз обрўсини тўкди,— деб шикоят қилар эди. Бунда подшоҳнинг тарафдорлари ўртасида ғавго чиққудек бўлди. Абдулло кўрдик, боргоҳнинг ичидан энди ғавго пайдо бўлди. Абдулло: «ҳой, ҳой, тек-тек» деб турди. Абдулло Хунхоршоҳнинг олдига бориб айтди:— Эй подшо, бул йигитнинг ҳолидан хабардор қилинг, танийлик, ким экан? Боргоҳ орасида хун тўкилишга яқинлади. Унда подшо Хунхор Абдуллога айтди:— Эй Абдулло, танимасман, Булдуруқнинг ўғли Авазхонни? Абдулло Авазга бошқатдан назар қилди. Авазнинг бошида симсори телпаги бор эди. Абдулло айтди: Э бўтам, бошингдан телпагингни олгин, кўрай, ким экансан? Мен сени танимадим. Ул ҳолда Аваз телпагини қўлига олиб вазир Абдуллога қараб, бошини ерга эгиб ҳам қилди. Авазнинг бошидан икки кокили камаридан тарқираб тушди. Кўрдик, Авазнинг худди ўзи экан. Абдулло югуриб бориб:— Эй бўтам, мен сени танимабман, омон-эсон келдингми,— деб бошқатдан кўришди. Ҳаммалари Авазни таниб, деган сўзларига пушаймон бўлди. Подшога қараб ҳаммалари узр айтишди. Ўринларидан турганча подшонинг ҳақиға дуо қилишди. Ҳаммалари ўринларига ўтиришди, дилжам бўлди. Амалдорлар хурсанд бўлдики, Хунхоршоҳнинг дилида ғаму ғусса кўп эди, Авазнинг фироғи дилидан кетган эмас эди. Подшонинг дилидан ғам йўқолди. Кетган давлат қайтиб келди, подшомизнинг дили хушнуд бўлса хизматчиларга яхши кўз билан қарар, яхши сўз билан сўзлар, деб ҳаммаларининг дилларидан ғам йўқолди. Хунхоршоҳ:— Авазхонга таом келтиринглар,— деб буюрди. Аваз хизмат қилиб турган бир кишини чақириб, қулоғига бир сўз айтди. Унинг сўзидан ҳеч ким огоҳ бўлмади. Ул сўз айтган кишиси чиқиб кетди. Авазга таом келмай туриб, боргоҳнинг ташқариси ғавго, шовқин бўлиб қолди. Ҳамма ўтирган боргоҳдаги амалдорлар ҳайрон бўлиб эшик тарафга қараб турар эди. «Дод-фарёд» деб отаси Булдуруқ, энаси Гулойим, Авазнинг синглиси Болойим даргоҳга кириб келишди. Дарҳол Аваз ўрnidан туриб тахтдан тушди, боргоҳнинг

ўрта устунининг тагига бориб отаси билан қучоқлашиб кўришди, энаси билан синглиси иккиси бирдан кириб келиб, Авазнинг оёғига ўзларини ташлади. Энаси билан синглиси гоҳ худ, гоҳ бехуд бўлиб йиғлайди. Ахир энаси ҳушига келиб ўрнидан турди. Авазнинг бошини кўкрагига босиб айтар эди:— Эй дийдаи нурим, ўнгимми ё тушимми? Авазнинг атрофидан ота-онаси гирён-гирён бўлиб айланиб, Авазни тавоб қилиб ўпар эди. Буларнинг фиғони нидосига боргоҳнинг шовқини фалакка еткудек бўлди. Буларнинг йиғисига, қилган меҳрибонлигига боргоҳда турган амалдорларнинг ҳам раҳми келиб йиғлашар эди. Андак фурсат орадан ўтди. Аваз эна, отасига боқиб айтди:— Алҳамдулиллоҳ, дийдор кўришдик. Шу миқдор кўришганимиз кифоя, улуг даргоҳда анча турмоқ яхши эмас, энди сизлар уйларингга қайтинглар. Икки-уч кундан кейин подшоҳи Хунхордан рухсат олиб ўзим уйга бораман, ётиб, гаплашиб келаман. Энди сабр қилинглар,— деб эна-отасини чиқариб юборди. Синглиси Болойим Аваз кетгандан икки йилдан кейин туғилган эди. Акасини кўрмаган эди. Эна-отаси чиқиб кетса ҳам синглиси Авазнинг оёғи тагидан ҳеч ажрамади, кетиб қоласан деб. Аваз синглисининг қўлидан ушлаб: «сен ҳам уйга боргин, энди мен ҳеч қаерга бормаيمان, ҳамisha сизлар билан бирга тураман, кўп йиғлама, кетавергин,— деб синглисини ҳам чиқариб юборди. Аваз яна жойига келиб ўтирди. Авазга таом келтирди. Таомдан фориг бўлиб фотиҳа ўқиди. Хунхор ўтирган умаро-амалдорларига қараб айтди: Эй амалдорлар, менинг кетган давлатим қайтиб келди, бул келган давлат — Аваз фарзандим учун уч кечаю кундуз базми жамшид қилдирғайман, уйларингга кетмайсизлар, уйқуга ётмайсизлар, ўтирган ўринларингни бўшатмайсизлар,— деб амалдорларига шундай марҳамат қилди. Ҳар ердан наъмагар, чангчи, созанда, машшоқ, найчиларни, усули ўйинчи, қизиқларни йиғдириб жам қилди. Ушал кундан бошлаб базми жамшидга мажлис очди. Созандалар созини созлаб соз чалмоққа, най чалмоққа, ўйин қилмоққа хурушни қилди. Сухандорлар овоз билан сухан бошлади. Буларнинг шовқини боргоҳнинг ичига пурупта бўлди. Созандалар соз бошлаган вақтида Авазхон қилични пешонасига такъя қилиб кўзини юмиб ўтирди. Уч кечаю уч кундуз қиёмат-аросат базм бўлди. Уч кундан кейин базм тамом бўлди. Созандалар созининг қулоғини қайтариб ерга қўйди. подшога қуллуқ қилиб, ҳаққига дуо қилиб, давлатлари

зиёда бўлсин, деб ўринларига ўлтирди. Шунда шовқин бартараф бўлиб дим бўлди. Аваз такъя қилган қиличдан бошини кўтариб, ўтирган подшоларга бир назар солди. Подшоҳи Хунхорнинг базм бошлангандан икки кўзи Авазда эди, қаҳричашм бўлди. Подшоҳи Хунхор Абдуллога қараб айтди:

— Нима дерсан, бул ҳароми ўн бир йил ўзбек элининг тузу намагини еб, қувватланиб, гардани тўлиб, менинг пойимни қирққани келган экан. Бу давлатлар бунга писанд бўлмади, буни тутиб бандизиндон қилинлар. Вақти билан бир кун дорга осиб ўлдираман деган сўз Хунхорнинг оғзидан чиққан замоно Аваз тахтдан ўзини ташлади. Хунхорнинг оёғига юзини қўйиб йиғлади:— Эй, жаҳон подшои панойим, кўзи йўқ кишига дунёнинг лаззати йўқдир,— деди. Хунхор айтди:— Эй ҳароми ўзбек ўғли, сенда кўз бор, яна нимага бу сўзни айтасан,— деди. Аваз айтди:— Сўзларман, то сўзим тамом бўлгунча ғазаб қилмайсан. Хунхор айтди:— Сўзлагин! Аваз айтди:— Тўрт ёшимда сенга янги маҳрам бўлдим, ул Гўрўғли тоғанг Қўнғурбойман деб, далада сенга олиб келган қўзиларим қолди, деб отамни гўл топиб, мени ҳам бирга олиб келгин деб, отамни йўлдан қайтариб, мени олиб қочиб кетди. Ул мени Чамбилга олиб борди. Чамбил элида ўн бир йил истиқомат қилдим, хотин олдим, икки бола кўрдим, болаларим ҳали ёш эди. Туркман элат қизидан Гўрўғлидан беижозат бир қиз олдим. Туркман халқи мени ўлдирмак бўлди, Гўрўғли хумса мени қадримга етмай, туркманликка «ўлдилинг» деб буюрди. Ушал ердан ўз жонимни сақлаб, ўз хоназод панойи давлатим деб, сени паноҳ тортиб, икки боламни ташлаб келдим. Сени бу қилган базми жамшид, ўйин-кулгинг мен учун бўлса ҳам кўзимга кўринмади. Мен икки кўзимни юмсам икки боламни кўриб турибман. Шу учун — кўзи йўқ кишига дунёнинг лаззати йўқ,— деб айтдим. Подшоҳи Хунхор қошига бориб подшодан ёрдам — лашкар талаб қилсам. Хунхор лашкаридан олиб келиб Гўрўғлининг бошини кесиб, Чамбилни торож қилиб, хазинаини мулкини тортиб олиб, Хунхор хазинасига қўшсам. Икки боламни ҳам олиб келиб Хунхор давлатида умр кечирсам, деб бу умидда келган эдим. Нима қилай, муродим ҳосил бўлмади, қазом етган экан, соҳиб ихтиёрсан, хоҳ бошимни кесиб сўйгин, хоҳ раҳм қилсанг тасаддиқ қилиб қўйгин,— деди. Хунхор Авазнинг қилган йиғисига раҳми келди, чунки дилида аввалдин яхши кўрар эди, ўл-

дирмакка кўзи қиймади ва Хунхор вазир Абдуллога айтди:— Эй вазири Абдулло, нома ёзинг, ўн минг лашкар бизга тайёрлаб берсин. Ўзбек, туркман элининг тепасига боргайман, Гўрўғлини ўлдириб, ғариб — мозор қилиб, юртини талон қилиб келарман,— деб амр қилди. Дарҳол ўн минг лашкар тайёрланди. Ул вақти подшоҳи Хунхор Абдулло вазирни ўз ўрнига ўтқазди. Ўзи амри лашкар бўлиб, ўн минг лашкарнинг олдига тушиб, ўқ отиб, карнайлар тортиб, таблаларни садога келтириб, Аваз ва Соқи бобони ҳам ўзи билан бирга олиб Чамбилга қараб йўл тортди. Ун беш кеча-кундуз қум, тоғ, чўлларда шикор қила-қила пешин вақти Асқар тоққа етди. Чамбилнинг даласи эди. Асқар тоғ устига чиқиб қаради, Чамбилнинг қалалари кўринди. Чамбилнинг жоми мачитлари, минорлари ҳам кўринди. Қаланинг кунграйи пештоқлари, туркман эли, Ҳавдакнинг кўлигача ярқираб кўринди. Бунда Авазнинг кўзидан ёш гуррон қуйилиб кетди. Икки боласи рўпарасидан пилдираб ўтиб кетгандай бўлди, қишлоқ кўзига ўтдан ҳам иссиқроқ бўлиб кўринди. От қўйиб Чамбилга кетиб қолгудай бўлди. Азбаройи машаққат билан ўзига сабр тилаб тўхтатди, тескарига қараб йиғлар эди, кўзининг ёшини артиб-артиб, отни буриб Хунхор шоҳга айтди:— Эй подшоҳи Хунхор, бу турган жойнинг Чамбилнинг даласи, анов кўринганлар Чамбил қаласи. Мен ўйлайманки, бу лашкарни шу ерга тушйрсақ бўларди, бугун бу ерда ётиб — оби овқатларини бериб, буларни ухлатиб, ором олдирсақ. Булар ўн беш кундан бери йўл азобини тортиб, уйқудан қолиб, монда¹ бўлгандир. Бул кеча ётиб, яроқларини чархлашиб; найзаларини тезлашиб, эртамертан мукаммал, мусаммал бўлиб Чамбилга қараб иродайи сабр қилсақ — деди. Хунхоршоҳ:— Рост айтдинг, булар ўн беш кундан бери йўл азобини тортиб чарчаган, бўлмаса лашкар шу ерга қўнсин,— деб Асқар тоғнинг устига кўкала майдонга лашкарлар тушди. Кеч ҳаммалари ул ерда ўз ҳоллари билан бўлди. Ярим кеча бўлганда Аваз Соқий мирохўрни чақириб, бир четга олиб борди.— Сен Чамбилнинг тўсқовули² йўқ кўчаларни биласан. Гўрўғли ўрдасига боргин. Гўрўғлига бу лашкарни ҳам менинг келганимдан хабар бергин, бепарво қолмасин. Яроқли йигитларини олиб эрта билан Болқон адирига келиб,

¹ Чарчамоқ.

² Қоровули.

бизга муқобил бўлиб турсин. Бизнинг келганимизни билмай қолса эрта биланликка иш ёмон бўлар. Гўрўглининг тузи ҳақида ёмонлик қилмасман. Шул хабарни бергин. Гўрўгли бул ерга келиб Хунхор билан жанг қилсин, агар Хунхор қўлида Гўрўгли ўлса юртнинг гуноҳини Хунхордан тилаб олурман. Гўрўгли агар бул ерга чиқмаса, устига лашкар босиб кириб жанг қилса, халойиқлар оёқ остига қолар, аммо ўзингга эҳтиёт бўлгин, қўлга тушиб қолмагин. Вақтли тез келгин,— деб Соқий бобони Чамбилга юборди. Бобо Соқий чорвоқлар билан, йиқилган раста деволлар орасидан юриб, ҳормай, Гўрўглининг ўрдасига кириб борди. Ёз куни эди. Гўрўгли ўрда ўртасида пашшахона тутиб Оға Юнус пари билан ётган эди. Бургага чидаёлмай яланғоч эди. Иккови пашшахонанинг ички тарафида юмаланиб ётар эди. Соқи буни кўриб, отнинг бошини буриб, ўзини қочмоққа жуллаб туриб Гўрўглига бир сўз деди.

Фони дунё барча қулга омонат,
Қимки ўлган бўлса даври қиёмат,
Оч кўзингни, кўтар бошинг уйқудан,
Ўр ичинда ётган ёлғиз мубозат¹.

Аваз боланг кетди кўзини ёшлаб,
Борди Хунхор шоҳга ўзини ташлаб,
Ўн минг лашкар Асқар тоққа тўхтади,
Аваз боланг келди Хунхорни бошлаб.

Ҳеч кимга йўқ ушбу дунё поёни,
Бузилмасин жондор махлуқ ватани,
Тузинг ҳақлаб хабар бердим, эшитгин,
Эшитмадим дема Чамбилнинг хони.

...Эрта билан ёв-яроғинг ростлатиб,
Чиқиб тургин Болқон тоғнинг белига.

Қуйига учар бемор банда юлдузи,
Сенга шулдир Аваз болангнинг сўзи,
Ўрнингдан (тур), эрта боргин Болқонга,
Туз бергансан, мендан бўлгин сен рози.

Гўрўгли инграниб туриб келаётганида Соқи отга қамчи бериб қочиб чиқиб бадар кетди. Гўрўгли Соқи келганда уйғоқ ётган эди. Ҳамма сўзини эшитиб, ўрни-

¹ Яланғоч.

дан туриб майхонага киши юборди. Майхонада ётган йигитларни ўрдага олдириб келди. Қимматбаҳо хилъатларни кийдирди, совутларни кийиб, қиличларни чархлатиб, найзаларни заҳар суви билан тезлатиб, ул кун бедорлик билан тонг орттирди.

Гўрўғлихон бошлиқ Аҳмадбек тоғаси, Ертивойбек оғаси, Чамбилнинг катта-кичик эгаси қирқ беш-қирқ олти киши бўлиб отланди. Болқоннинг адрига тонготар вақти бориб саф тортиб турдилар. Лашкарлари уйқудан туриб бўлганича йўқ эди, Хунхорнинг кўзи Гўрўғлига тушди. Аваздан:— Булар ким?— деб сўради. Аваз айтди:— Ул кўк отнинг устидаги ўз лашкарига қараб, бизга орқасини қилиб турган, бошига дубулға кийган Чамбил беги Гўрўғлидир. Хунхор айтди:— Булар бизнинг келганимизни қаердан билди экан, ё бизга улар узр айтгани келдими?— деди. Аваз айтди:— Билмасман, қаердан билди экан. Иккови бу сўзда эди, Гўрўғли Аҳмадбек тоғасини йигитлар орасидан айириб ўз ўрнига қўйди. Отни жавлон қилиб Хунхор тарафга юзланди. Хунхор билан Авазга довуши етгудай ерга келиб тўхтади:

Тагимда арқираб ўйнайди отим,
Ҳақни обло берармикин муродим,
Қилич олиб келдим, қўзим, бу жойга,
Эшитдингми, менинг сўзим, фарзандим?
Аваз қўзим, келгин бери майдонга,
Ота, бола қилсак танҳо урушни.

Кел олдимга олишайлик бол Аваз,
Давлат кимга юз келтирарди пойдор?

Отанг эди Чамбил элда тождор,
Шоҳу гадо манглайимга хизматкор,
Менинг билан келиб, қўзим, жанг қилгин,
Эр йигитга кўмак олмоқ на даркор?

Майдонда узилсин номарднинг боши,
Қизил қонга бўялар сойнинг тоши,
Сухроб билан бўлсин Рустам уруши,
Кўмак олган, қўрққан, номарднинг иши.

Гўрўғлидан бу сўзни эшитиб Аваз Хунхорга қараб:— Гўрўғлининг сўзини англадингми?— деди. Хунхор:— Билмадим,— деди. Аваз айтди:— Лашкарингни тайёр

қилгин, мен сизларни бошлаб келганимни Гўрўғли таъна қилди. Сен эр эмас экансан, заиф экансан. Бировдан қувват сўрамоқ заифнинг иши. Агар сен эр бўлсанг, кел майдонга деб чақирди,— деди. Шу ҳолда лашкарларинг тайёрланиб турсин, мен бориб кўрай, Гўрўғлига нима иш бўлар. Агар жамингга бир қорхон бўлса, ўзим бир ишорат қиларман.

Шунда якбора от қўясизлар. Агар мендан бир гап бўлмаса тик турунглари,— деб Хунхор(ни) хабардор қилиб қўйиб, Аваз Мажнункўк отининг устига минди, майдонга қараб юрди, Гўрўғлига яқин келиб тўхтади. Гўрўғлининг икки кўзи Авазнинг пешонасида эди. Аваз Гўрўғлининг юзига боқолмай, от ёлига қараб турар эди. Гўрўғли айтди:— Эй кўзим, қариганда мени ғариб мазор қилай дедингми, мунча лашкар олиб келиб мўминларнинг уволдан қўрқмайсанми? Агар қасдинг менда бўлса бошим ушлаб бераман, менинг кучим кетди, ажал вақтим яқин етди, халойиқ беҳуда ўлмасин, битта жоним бўлса сенга аямасман. Агар бошимни кесиб олсанг, сендан ризодурман. Отасининг сўзига Авазнинг кўнгли бузилиб, кўзидаёқ ёши чизилиб, пиядаланиб отасига қараб юрди. Гўрўғли Авазни бу ҳолда кўриб отидан тушди. (Аваз) югуриб келиб отасининг оёғига ўзини ташлади. Гуноҳимдан кечинг, деб йиғлади. Авазни ётган жойидан турғизиб қучоғига олди, пешонасидан силаб:— «Эй жони дилим, искар гулим, мулки молим, Чамбил элим, мен ўлсам сенсан меросхўрим. Хунхорнинг тадбири жавобини нима қиласан. Магар фуқаромга бир зарар етказмагай? Аваз айтди:— Бу Хунхорга яхши муомала қилмоқ керак, улуғ подшоҳдир. Муни билан баробар келиб бўлмас. Юрт катталарига хабар беринг. Чамбил, Туркманнинг улуғлари яхши таомлар пешкаш қилиб, қўй-сўқимлар олиб келиб, хазинадан яхши хилъат, тўнлар, ҳам абзалкумуш, яхши қимматбаҳо моллар хазинада бўлса борини Хунхорга туҳфа қилиб бергайсиз. Хунхор подшоҳи яхши сўз билан қайтаргаймиз, ундан бошқа амал йўқ,— деди. Гўрўғлихон ҳамisha Авазнинг деган сўзидан чиқмас эди. Эл ичига хабар берди. Туркман катта-кичиклари жам бўлиб, дастурхонлар кўтариб, Авазни ёнига олиб бораверди. Орқасидан пешкаш кўтарган бир қанча қимматбаҳо кийим — матолардан туҳфа қилиб олиб Хунхор шоҳ ҳузурига қараб, Гўрўғли пиёда улуғлар ҳам тиралиб бораверди, Хунхорга яқин етди. Хунхор қарадики, Гўрўғлининг ҳоли ўзгача кўринди. Хунхор

Гўрўғлидан хушнуд бўлди. «Ақлли, доно киши экан» деб ўрнидан турди. Беш-ўн қадам Гўрўғли тарафга қараб юриб келди. Гўрўғлининг иззати учун икковлари қўл тутишиб кўришди. Хунхор билан Гўрўғли қўл тутишганича бориб, бир кўкалам майдонга ўтирди, сабзасор тоғнинг устига тушди. Лашкарларини жам қилиб таом тортди. Чамбил тарафдан пешкаш пайдарпай келиб турар эди. Хунхор шоҳ лашкарига таом тортмоққа бошлади. Қўй, мол, жондорлар сўйиб, Хунхор шоҳни уч кечаю кундуз шул адирнинг устида зиёфат қилди. Хазинадан олиб келган бўғча қимматбаҳо матоларни, тўнларни олиб ёзиб, Хунхорнинг ҳузурига қўя берди. Гўрўғли айтди:— Эй Хунхор шоҳ, Авазхон сенинг хоназод ўғлининг бўлса ҳам менинг ўғлимдир, меросхўримдир. Бу Чамбилни Авазга тақдим қилиб берганман. Мен бир ошхўрдирман, бу мулк Авазнинг ўзиникидир. Авазнинг юрт эгаси бўлиб ортқизган, топган важи шудир. Юртдан ундирган хирож ва нарсаларининг барини сенга тортиқ қилиб келди. Менинг кўзим ўтиб кетса, мендан қолса, Аваз бой ўз фарзандингдир. Агар Авазга бир тарафдан душман пайдо бўлса ёрий бериб тургайсан,— деб Хунхор шоҳга Гўрўғли йироқ-яқиндан бир қанча сўзлар айтиб хурсанд қилди. Хунхор шоҳ Гўрўғлининг бу сўзидан хурсанд бўлиб, олиб келган туҳфасини Авазга қайтиб тутди:— Бу янгидан давлатга эга бўлибди. Ҳали ёшдир, анжом, йигит — яроқ қилсин, ўзларига харж қилсин, агар кам бўлса мен хазинадан зар юбориб тураман,— деб Хунхор шоҳ Гўрўғлидан жавоб сўради. Гўрўғли Авазхонни Хунхор шоҳдан сўраб олиб қолди. Гўрўғли билан Авазхон ҳам отланиб Хунхор шоҳни бир қанча йўлга узатиб қайтди. Хунхор шоҳни жўнатганига булар хурсанд бўлиб, «юртимиз саломат қолди», деб Чамбилга қараб жўнай берди. Шаҳри Чамбилга кириб келди. Чамбилнинг улуғ фуқаролари, амалдорлари, қиз-жувонлари пешвозликка чиқди. «Авазхон саломат келди» деб кўришиб борар эди. Аваз бориб ўрдасига, ўзининг ҳовлисига тушиб қолди. Ёру биродар, ўртоқлари барчаси келиб Авазни кўрди. Уйга кириб хотин ҳам бола-чақаларини кўрди. Орадан сал фурсат ўтган эди, «ўрдадан отанг чақиради» деб киши келди. Аваз туриб шаҳар ичига, хон ўрдасига борди. Авазнинг олдига таом қўйиб эрди, емай бедумоқ бўлиб ўтирди. Бунда Гўрўғли Чаққонбекнинг қулоғига бир нима деб шивирлади. Чаққон улуғлар ора-

сида баланд овоз билан сўзлади: «Аваз, отанг сендан гумон олади. Дўстинг хушфёъл эди, нечун тунда фёъллик билан ўтирибди. Хунхор подшонинг улуғ давлатини кўриб, Гуржистондаги катта шаҳарларни кўриб, дала, ер, саҳролар Авазга маъқул бўлмай яна Хунхорга кетгиси келиб қолдими. Ултириши ўзгача деб отанг гумон олади, нима бўлди сенга?— деди. Аваз айтди:— Эй Чаққон, бул ерда менга сўзламакка сўз йўқ, халққа қарарга менда кўз йўқ, бул юртда юришда менга юз йўқ. Бир бойнинг қизи деб не жафолар кўрдим,— деди. Авазнинг оғзидан чиққан сўзи тамом бўлмай, Гўрўгли Аҳмадбек оғасини чақирди:— Оқчишбойнинг қизига хўстгорчиликка¹ боринглар,— деди. Аваз ўғлимга бойнинг қизини олиб бермасанглар бўлмас экан. Бу сўзни эшитиб Аҳмадбек тоғаси, Ертибой оғаси, ўн киши отланиб, туркманга жўнади. Бориб бойнинг ҳузурига тушди. Аҳмадбек бойга қараб айтди.

— Биз «ёвчи»ликка келдик. Авазхон келиб отаси билан топишди, қизингизни Авазга бермасангиз ўртадан фитналик кетмас экан, нима дейсиз?— деди. Бой айтди:— Қизимни Авазга бермасман, аммо хон туфайлидан битта болам бўлса тутдим,— деди. Аҳмадбек айтди:— Йўқ, бундай эмас. Эл қовумнинг урфи қалини, молини айтинг. Яхши тўй билан, қалин мол билан олиб кетайлик. Аввалин, охириин ўтган гаплар айтилмай бошилиб кетсин,— деди. Бой айтди:— Бўлмаса мунши келтиринг, қизимнинг қалинини айттай,— деди. Довот, қоғоз, қаламни келтириб хат ёзмоққа турди. Бой қизининг қалинини айтиб турар эди:

Жоннинг хавфи доим ҳамроҳ кўнгилга,
Гулнинг ишқи доим гўё булбулда,
Қирқ минг тилла берсин қизим қалини,
Гул, булбулдек улар кўрсин Чамбилда.

Қирқ минг тилла берсин қизим қалини,
Аямасин, берар қалин пулини,
Мен қизимни бердим амир Султонга,
Фарзандим деб бол Аваздай улини.

Аямасин хон, бисотда борини,
Аввал бош қиб Оға Юнус парини
Орқасидан Мисқолдек ёрини,
Аваздек фарзанди, гули норини.

¹ Совчиликка.

Қанизликка берсин қирқта чўрини,
Бувро норни¹ бош қилиб,
Моя норни тиркаш қилиб,
Айри бувро эргаш қилиб.

Туя берсин қирқ мингта,
Гиротини бош қилиб,
Мажнункўкни тиркаш қилиб,
Сарсаманни эргаш қилиб,
От берсин бир мингта.

Чоғир сарка бош қилиб,
Юзта сарка тиркаш қилиб,
Оқ қулоқни эргаш қилиб
Юз қўйчувон юз кўшпак.

Жоллиқ² берсин қирқ мингта.
Баҳрин қушни бош қилиб
Туйғун қушни тиркаш қилиб,
Лочин қушни эргаш қилиб
Қарчиғай берсин юзта.

Аҳмадбекдай тоғасини бош қилиб,
Ертивойдай оғасин тиркаш қилиб,
Соқибулбул сайисини эргаш қилиб,
Букун бари мўйсафид берсин миришкор³ юзта.

Қора йўрға бўлсин барин мингани,
Совут бўлсин устидаги кийгани,
Эгар қошдор, пўлат добил туйгани
Юзта чакас берсин қушлар қўнгани.

Эшитдингми бу сўзимни бек Аҳмад.
Бориб хонга қилиб кўргин маслаҳат,
Олти кунга қолса қайтади моли,
Беш кунгача бердим сизларга муҳлат —

деб бой қизининг қалинини айтиб тамом қилди. Аҳмад сардор бойнинг сўзи ёзилган хатни олиб чўнтагига солди, фотиҳа ўқиб, отланиб чиқиб кетди. Бойнинг деган сўзини Гўрўғлига айтди. Қоғозни ўқиб кўрсатди. Барча

¹ Туянинг эркаги.

² Жошлиқ

³ Қуш солувчи.

Ўрдадаги улуғлар қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Гўрўглихон айтди:— Эй Аҳмад тоға, шундай демай нима десин? Қишининг қўли куйса ўтга тоблар, бермас иложини тополмай шул сўзни айтгандир. Ўзингиз туркманликсиз, туркманни тўй-қонда расмини хўп биласиз, элга эп келгудай тўйни олиб бора беринг,— деди. Аҳмад сардор беш-ўн катталар билан, бол Аваз хил йигитлари билан бир қанча қизу жувон, хотин-эркаклар тўйни олиб Туркманга қараб боришди. Бой кўрдик, тўйнинг ҳеч маъниси йўқ, бой индамай юртга тўйни қилиб бераверди. Тўй тарқади, қизни никоҳ қилди. Авазхон йигитлари билан, тўйчилар ҳам қайтди. Келинчакни олиб жўнар вақтда уларда от-арава бўлмас эди. Келинчакка от ясаб миндириб, отни олиб кетар эди. Бойнинг қизига бир отни ясаб миндириб қўйди. Мингашгудай ёш бола ахтариб турган эди, Чаққонбекнинг хотини Холдона югуриб келиб, келиннинг орқасига миниб олди, «Бўлди, бўлди ёш бола даркор эмас» деб келинни олиб жўнай берди. Йўлда келаётиб Холдона Бўтакўзнинг шаънига бир сўз деди:

Чувар-чувар, чаман-чаман,
Осмоннинг чиққан юлдузи,
Тарам-тарам кокиллари,
Майда ўрган қирмизи,
Гулёр, аллаёр-аллаёр!

Оқчишвойнинг Бўтакўзи
Булбул бўлиб гулни ўпган,
Эр йигитдай улоқ чопган,
Авазхонни чўлда топган,
Нозик қиз, аллаёр-аллаёр!

Ота давлатидан кечган,
Ишқнинг шаробини ичган,
Аваз билан бирга қочган,
Ваъдали ёр, аллаёр-аллаёр!

Авазга шарбат ичирган,
Беқалин белдан қучирган,
Ёрин Хунхорга қочирган,
Бошга ёр, аллаёр-аллаёр!

Аваз кетган, унутган,
Бўтакўз уйига кетган,

Қирқ минг қизнинг хунини айтган,
Қимматбаҳо зар, аллаёр-аллаёр!

Кундуз кунга ўхшамайди,
Осмоннинг оyi, юлдузи,
Бўтакўзнинг жамоллари,
Кечасин равшан кундузи,
Авазхонга тақдим бўлди
Оқчишвойнинг Бўтакўзи.
Айтган билан тамом бўлмас,
Эшитган сўз аллаёр!

Айтаверсанг сўз устига
Сўз тугамас ёз, аллаёр!
Ёр қадрини Бўта билмас,
Жувон хотин-қиз аллаёр,
Гулёр, аллаёр-аллаёр!—

деб қизу жувонлар Бўтакўзни олиб бориб, Чамбилнинг қаласига кириб, хоннинг ўрдасига еткизди. Ул кун Авазхонга кўрсатди. Аваз етди муродга, қолди Туркман уятга. Бу суҳбатни эшитган барча етсин мақсадга!